

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

№5 / 2020

**БТК**

**БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ**

**РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ**

Ежемесячный экономический научно-практический журнал



ISSN 2010-6580

**Нархлар барқарорлигини таъминлашда Марказий банкларнинг роли ва вазифалари - 4-бет**

**Скоринг тизими: моҳияти, аҳамияти ва уни банкларда қўллаш - 14-бет**


**Ўзбекистонда электрон пуллар айланмасини ташкил қилиш ва тартибга солиш амалиёти - 24-бет**

**Рақамли иқтисодиёт - норасмий иқтисодиёт ва норасмий бандлик даражасини камайтиришнинг самарали механизми - 30-бет**

**Изменится ли образовательная система послепандемии коронавируса? - стр. 38**



**PUL  
KERAKMI** ?



**onlayn  
MIKROQARZ**

+99878140-00-88  
[www.trastbank.uz](http://www.trastbank.uz)



Xizmatlar litsenziyalangan

## Ассалому алайкум, азиз ўқувчи!

Жорий йилнинг май ойида иқтисодиёт, молия ва банк соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган энг муҳим ҳужжат, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони бўлди. Мазкур фармон билан мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси, бу бўйича «Йўл харитаси» ҳамда стратегияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжатда илк бор соҳада мавжуд муаммолар, унинг ривож учун тўсқинлик қилаётган омилларга объектив баҳо берилди.

Банк капиталини шакллантиришда корпоратив мижозларнинг депозитларига эмас, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларига асосий эътибор қаратиш банк тизими барқарорлигини таъминлаш омилларидан бири эканлиги таъкидланди.

Бу ишларни келгуси 2–3 йилда тўлиқ амалга оширмасак, ҳар бир кечиккан йилимиз мамлакатимизни 10 йил орқага тортади.

**Шавкат Мирзиёев.**

Қарорнинг давлат иш-тироқидаги банкларни хусусийлаштириш жараёни шаффоф тарзда амалга оширилиши, бунда коррупция ҳолатларига йўл қўйилмаслиги муҳим аҳамият касб этади. Стратегия доирасида



**Воҳид Умиров,**  
«Бозор, пул ва кредит»  
журнали  
бош муҳаррири

банкларнинг бизнес-моделларини ўзгартириш орқали фаолиятларини тижоратлаштириш ва мижозга йўналтирилганлигини ошириш вазифаси қўйилаётгани долзарб муаммоларни тезроқ бартараф этиш имконини беради.

Банк тизимини ислоҳ қилиш ва хусусийлаштиришга тайёрлашда Марказий банкнинг ролини

кучайтиришга урғу берилаётгани ҳам Стратегиянинг муҳим жиҳатларидан саналади. Марказий банк асосий фаолият йўналишига дахлдор бўлмаган вазифалар билан шуғулланишдан озод этилиб, иқтисодий таҳлил ва прогнозлар, пруденциал назорат, молиявий саводхонлик масалалари билан шуғулланиши давлат ва жамиятга катта манфаат келтириши аксарият ривожланган мамлакатлар тажрибасида ўз исботини топган.

Ишонамизки, 2025 йилга келиб мазкур Стратегия доирасида белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилади ва иқтисодиётда, хусусан, унинг қон томири бўлмиш банк тизимида ижобий самаралар беради.

Сиз билан ҳамкорлик қилишга доим тайёрмиз. Фикр-мулоҳазаларингизни, доимгидек, [info@bpk.uz](mailto:info@bpk.uz) электрон почта манзилимиз ёки [@bpk.uz.ru](https://www.facebook.com/bpk.uz) Facebook ижтимоий тармоғидаги каналимизга юборишингиз мумкин.



# Contents

May №5 (276), 2020 year

## MONETARY POLICY

- 4 E. Khamraev**  
The role and tasks of Central Banks in ensuring price stability

## BANKING ACTIVITIES

- 14 O. Abdullaev**  
Scoring system: nature, significance and its application in banks

## DIGITAL TECHNOLOGY

- 24 B. Annakulov**  
Organization and regulation of electronic money circulation in Uzbekistan

- 30 B. Tagaev**  
The digital economy is an effective mechanism for reducing the informal economy and informal employment

## PANDEMIC AND THE WORLD

- 38 D. Narzullaeva**  
Will the educational system after the coronavirus pandemic change?

- 44 D. Ugay**  
Fiscal measures in the countries of the world under conditions of pressure of the consequences of the coronavirus infection pandemic

## ACCOUNTING

- 50 O. G'aybullaev, N. Makhmadiyurov**  
Advantages of international standards of accounting in the public sector in increasing transparency

## AUDIT

- 54 B. Dagarov**  
Issues to improve the audit evidence collection process

## PAYMENT DISCIPLINE

- 60 S. Verenin**  
Does Uzbekistan need bills of exchange?

## МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,  
Агробанк, Асакабанк, Алокабанк,  
Капиталбанк, Микрокредитбанк,  
Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки,  
Туронбанк, Трастбанк, Халқ банки,  
Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк,  
Ипотекабанк, Ипак йўли банки

## ТАХРИР КЕНГАШИ:

**М.Б. НУРМУРАТОВ**  
(кенгаш раиси),  
**Б.Э. ЗАХИДОВ,**  
**О.А. БУТАЕВ,**  
**Р.О. ОХУНОВ**  
(кенгаш котиби),  
**С.С. АННАКЛИЧЕВ,**  
**К.Н. ИРИСБЕКОВА,**  
**А.К. МИРСОАТОВ,**  
**Ч.С. МИРЗАЕВ,**  
**С.Р. НОРМУХАМЕДОВ**

## ТАХРИРИЯТ:

**Директор:**  
Г.Н. БЕЗГИН

**Бош муҳаррир:**  
В.С. УМИРОВ

**Масъул котиб:**  
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

## Реклама ва маркетинг хизмати:

Тел.: (+998)71-291-60-20,  
(+998)94-677-78-04

## ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МҶЗ,  
Тошкент ш., Толлимаржон кўч., 1/1-уй.  
<http://www.bpk.uz/>  
e-mail: info@bpk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда  
журналдан олинганини кўрсатилиши шарт.  
Юборилган кўлэмаларни тақриз қилиш  
ва қайтариб юборишни тахририят  
ўз зиммасига олмайд.

**Журналнинг обуна индекси: 853**  
**ISSN 2010-6580**

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида  
2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.

Гувоҳнома рақами: 0058  
Теришга берилди: 23.05.2020 й.  
Босишга рухсат этилди: 09.06.2020 й.  
Бичими: 60x90/8.

Офсет босма усулида чоп этилди.  
Шартли босма табоғи: 9.0.

Буюртма № 22. Адади: 1450.  
«SILVER STAR PRINT» МҶЗда чоп этилди  
(Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
22-даха, 17-уй).

Баҳоиси шартнома асосида.

Ушбу нашр «Afrosiyob»  
тезорар поездларида тарқатилади.

## МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналыда мақолангизни чоп  
эмоқчи бўлсангиз, уни факатив электрон кўринишда  
қуйилган манзилга юборинг: [info@bpk.uz](mailto:info@bpk.uz)

Тахририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга  
талаблар билан журнализмизнинг [www.bpk.uz](http://www.bpk.uz) сайти  
орқали танишингиз мумкин.

**Эслатма:** муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга  
мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий  
даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини  
аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги  
аннотациясини юборишлари шарт.

**БУ СОНДА  
В НОМЕРЕ****МОНЕТАР СИЁСАТ**

- 4** **Э. Ҳамраев**  
Нархлар барқарорлигини таъминлашда  
Марказий банкларнинг роли ва вазифалари

**БАНК ФАОЛИЯТИ**

- 14** **О. Абдуллаев**  
Скоринг тизими: моҳияти, аҳамияти ва уни  
банкларда қўллаш

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР /  
ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

- 24** **Б. Аннакулов**  
Ўзбекистонда электрон пуллар айланмасини  
ташқил қилиш ва тартибга солиш амалиёти

- 30** **Б. Тагаев**  
Рақамли иқтисодиёт – норасмий иқтисодиёт ва  
норасмий бандлик даражасини камайтиришнинг  
самарали механизми

**ПАНДЕМИЯ И МИР**

- 38** **Д. Нарзуллаева**  
Изменится ли образовательная система после  
пандемии коронавируса?

- 44** **Д. Угай**  
Фискальные меры в разрезе стран мира в  
условиях давления последствий пандемии  
коронавирусной инфекции

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

- 50** **О. Файбуллаев, Н. Маҳмадиёров**  
Шаффофликни оширишда давлат секториди  
бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари  
афзалликлари

**АУДИТ**

- 54** **Б. Дагаров**  
Аудиторлик далилларини тўплаш жараёнини  
такомиллаштириш масалалари

**ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ**

- 60** **С. Веренин**  
Ўзбекистонга векселлар керакми?..



# НАРХЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАРКАЗИЙ БАНКЛАРНИНГ РОЛИ ВА ВАЗИФАЛАРИ



**Элдор Ҳамраев,**  
Марказий банкнинг  
Бухоро вилояти Бош  
бошқармаси мутахассиси,  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси  
тингловчиси

**ларни жалб этган ҳолда, монетар сиёсатни такомиллаштириш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш концепциясини ишлаб чиқишимиз зарур»<sup>1</sup>.**

*Маълумки, иқтисодиётда нархлар барқарорлиги макроиқтисодий барқарорликнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, узоқ муддатли ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.*

*Шуни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда нархлар барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича таъкидлаган эди: «Аввало, инфляцияни жилавламасдан туриб, макроиқтисодий барқарорликка эришиш мумкин эмас. Жаҳон тажрибасини пухта ўрганиб, халқаро эксперт-*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги 5877-сонли Фармони билан Марказий банк ва бутун иқтисодий комплекс олдига 2020 йилдан пул-кредит сиёсатини юритишнинг инфляцион таргетлаш режимини босқичма-босқич жорий этиш вазифаси қўйилди.

Нархлар барқарорлиги мустаҳкам иқтисодий ўсиш асосидир, буни таъминлашда эса Марказий банкнинг роли беқиёс бўлиб, бу вазифанинг бажарилишини у бир қатор пул-кредит сиёсати инструментлари асосида таъминлайди. Мазкур инструментлар фоиз ставкасини белгилаш, алмашув курси сиёсатини белгилаш, кенг жамоатчиликка йўналтирилган фаол коммуникация сиёсатини амалга ошириш ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Макроиқтисодий барқарорликнинг муҳим таркибий қисми нарх барқарорлигини таъминлаш, бошқача айтганда, барқарор ва паст инфляция ҳисобланади. Амалий

нуқтаи назардан инфляция нимани англатишини барчамиз яхши тушунамиз, у аҳоли ва корхоналарнинг харид қобилиятини пасайтиради.

Беқарор ва юқори инфляция шароитида аҳоли кадр-сизланаётган пулларини товарлар ва хизматларга иложига борича тезроқ сарфлашга интилади ва бу ўз навбатида ялпи талабнинг ортиши ҳамда нархларга қўшимча босимнинг пайдо бўлишига олиб келади, ёки кишилар пул маблағларини чет эл валютасига айирбошлашни афзал кўриб, алмашув курсига таъсир кўрсатадилар. Буларнинг барчаси инфляция жараёнларининг янада тезлашишига олиб келади. Агар аҳоли орасида миллий валютага ишонч бўлмаса, фуқароларнинг миллий валютадаги банк омонатлари билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади. Ўз навбатида, банкларнинг ресурс базаси барқарорлиги пасайиши уларнинг иқтисодийётни узоқ муддатли кредит маблағлари билан таъминлаш қобилиятини чеклайди. Натижада миллий валюта

*Нархлар барқарорлиги мустаҳкам иқтисодий ўсиш асосидир, буни таъминлашда эса Марказий банкнинг роли беқиёс бўлиб, бу вазифанинг бажарилишини у бир қатор пул-кредит сиёсати инструментлари асосида таъминлайди. Мазкур инструментлар фоиз ставкасини белгилаш, алмашув курси сиёсатини белгилаш, кенг жамоатчиликка йўналтирилган фаол коммуникация сиёсатини амалга ошириш ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

**2020-2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ЮЗАСИДАН**

2020 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси, Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича «Йўл харитаси» ҳамда стратегияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди.

Мазкур Стратегия Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда мамлакат банк тизимининг жорий ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича асосий хулосалар ва тавсиялар, шунингдек хорижий давлатларнинг молия секторини трансформация қилиш тажрибаси ҳамда молия соҳасидаги халқаро тенденцияларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Стратегияда банк тизимида ҳозирги кунда сақланиб қолаётган муаммо ва долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан:

банк тизимида давлатнинг юқори даражадаги иштиро-

**(Давоми 6-бетда).**

”

**(Давоми. Бошланиши 5-бетда).**

ки натижасида молиявий ва инсон ресурсларидан самарасиз фойдаланилаётганлиги, уларда корпоратив бошқарув ва таваккалчиликларни бошқариш тизимлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги;

давлат иштирокидаги банкларнинг устувор дастурлар, соҳалар ва давлат улушига эга корхоналарга бозор ставкаларидан кам бўлган ставкаларда кредитлар ажратувчи аънавий «тараққиёт банклари» ва-зифасини бажариши;

кредитлашнинг юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги ва бунинг натижасида банкларнинг барқарорлик даражасини ифодаловчи ликвидлилик ва капитал етарлилик кўрсаткичларига салбий таъсир этаётганлиги;

имтиёзли кредитлар улушининг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги натижасида молия бозорига нарх сигналларининг нотўғри шаклланиши, шунингдек пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизмлари ишлашига салбий таъсир кўрсатаётганлиги;

юқори даражадаги долларлашув, шунингдек кредит ва депозитларнинг йирик корхоналар ва иқтисодийнинг алоҳида соҳаларида жамланганлиги (концентрацияси) натижасида банк тизимининг валюта, кредит ва ликвидлик хатарларига бардошлилигининг заифлиги;

давлат иштирокидаги банклар бизнес-моделларининг асосан корпоратив мижозлар-

*Ишлаб чиқарувчилар ривожланишига туртки бўлиш ва истеъмолчилар харид қобилияти пасайишининг олдини олиш имкониятига эга бўлиш учун инфляция даражаси олдиндан кўра билиш мумкин бўладиган, аниқ ва паст бўлиши лозим.*

ўрнини чет эл валютаси эгаллайди ва бу иқтисодийнинг долларлашув даражаси ошишига олиб келади. Шунингдек, бошқа давлатлар олдида қарз кўпаяди. Инфляция бизнесни узоқ муддатли режалаштириш ва инвестицияларни жалб қилишга салбий таъсир ўтказди, натижада узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигининг ўсиш даражаси пасаяди.

Шу билан бирга, дефляция ёки, бошқача айтганда, нархларнинг пасайиши ҳам иқтисодий учун хатарли саналади. Товар нархлари барқарор равишда пасайиб боришида истеъмолчилар нархлар янада пасайишига умид қилиб, харидларни узоқроқ муддатга тўхтатиб қўйишни бошлайдилар. Бунинг натижасида

савдо ҳажми ва корхоналар фойдаси камаяди, иш ҳақини ошириш учун имконият пасаяди, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва инновацион технологияларни жорий қилиш учун рағбат бўлмайди, ишсизлик кучаяди. Буларнинг барчаси иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади ва салбий оқибатлар юқори инфляция пайтидаги оқибатлардан-да хатарли бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчилар ривожланишига туртки бўлиш ва истеъмолчилар харид қобилияти пасайишининг олдини олиш имкониятига эга бўлиш учун инфляция даражаси олдиндан кўра билиш мумкин бўладиган, аниқ ва паст бўлиши лозим.

Инфляциянинг монетар (яъни пул-кредит сиёсати





**Манба:** Сухарев А.Н. Направления размещения государственных финансовых резервов федерального бюджета // Финансы и кредит. 2010. №3. – С. 21-30.

таъсиридаги) ва номонетар таркибий қисмларга эга эканлигини тушуниш муҳимдир (1-диаграмма). Монетар таркибий қисми инфляциянинг пул моҳияти билан изоҳланади. Инфляция ва узоқ муддатли даврда муомаладаги пул миқдори ўртасида яқин муносабат мавжуд. Хусусан, пул массасининг ҳаддан зиёд, яъни товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ошишидан ҳам юқори даражада кенга-

йиши инфляцияга олиб келади.

Инфляциянинг мақбул даражаси қандай бўлиши керак? Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига қараб, йиллик инфляция 1 фоиздан 5 фоизгача бўлганда иқтисодий ўсиш учун энг мақбул муҳит юзага келади.

Узоқ муддат нархлар барқарор ушлаб турилган ва

га хизмат кўрсатишга йўналтирилганлиги, нобанк молия ташкилотларининг роли сулғиши, шунингдек инновациялар ва ахборот тизимларининг яхши ривожланмаганлиги сабабли молиявий оммабоглик даражасининг паслғиши тизимда туб ислохотларни амалга ошириш заруратини юзага келтирди.

Мазкур Стратегияни ишлаб чиқиш жараёнидаги Жаҳон банки билан ҳамкорлик, хусусан, ислохотлар жараёнидаги асосий таваккалчиликлар ва уларни минималлаштиришга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш мақсадида бошқа давлатларда амалга оширилган банк тизимидаги ислохотларнинг ижобий ва салбий томонларини ўрганишга қаратилди ва натижада муҳим хулосалар шакллантирилди.

Биринчидан, банк тизимида давлат улушининг қисқартирилиши банк тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Иккинчидан, давлат иштирокидаги банкларни хусусийлаштириш жараёни илғор технологик ечимлар ва банк ишининг илғор тажрибаси, шунингдек етарли молиявий имкониятларга эга нуфузли ва сифатли акциядорларга йўл очиши лозим.

Учинчидан, ислохотлар муваффақиятининг асосий шартларидан бири бу – банкларни қисман эмас, тўлиқ хусусийлаштиришдир.

Тўртинчидан, давлат иштирокидаги банклар ва реал сектор корхоналарини парралел равишда ислох қилиш

**(Давоми 8-бетда).**

*Узоқ муддат нархлар барқарор ушлаб турилган ва паст инфляция даражаси кузатилган, миллий валютага ва умуман пул-кредит идоралари томонидан олиб борилаётган сиёсатга юқори ишонч билдириладиган ривожланган мамлакатларда инфляциянинг ўрта муддатли кўрсаткичи 2 фоиз даражасида белгиланади. Ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатлар учун инфляция даражаси бир қатор сабабларга кўра одатда юқорироқ (2 фоиздан 6 фоизгача) бўлади.*

”

**(Давоми. Бошланиши 5-7-бетларда).**

иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигида муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга давлат иштирокидаги корхоналарни реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш уларнинг иқтисодий имкониятларини ошириб, банклар фаолиятига давлат аралашувини кескин қисқартиради.

Бешинчидан, ислохотлар даврида давлат иштирокидаги корхоналарнинг кредитлашга бўлган талабини чеклаб қўймаслик ҳамда молиявий оммабопликни таъминлаш учун айрим банкларда давлат улушини сақлаб туриш мақсадга мувофиқ.


Стратегия доирасида кейинги беш йилликда банк-молия тизимини ислох қилиш ва ривожлантиришнинг тўртта устувор йўналиши белгиланган. Жумладан:

Банк тизимининг самарадорлигини ошириш банкларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсирини кучайтиради. Бунда:

- банк тизимига замонавий ечимларни жорий қилишга, молиявий ва инсон ресурслари самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсата оладиган молиявий барқарор ва нуфузли инвесторларни жалб қилиш;

- имтиёзли ва субсидиялашган кредитларни қисқартириш, кредитлашни пул-кредит сиёсати сигналлари асосида фақат бозор шартларида амалга оширишга ўтиш;

- кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш имконият-



**Манба:** Сухарев А.Н. Направления размещения государственных финансовых резервов федерального бюджета // Финансы и кредит. 2010. №3. – С. 21-30.

паст инфляция даражаси кузатилган, миллий валютага ва умуман пул-кредит идоралари томонидан олиб борилаётган сиёсатга юқори ишонч билдириладиган ривожланган мамлакатларда инфляциянинг ўрта муддатли кўрсаткичи 2 фоиз даражасида белгиланади. Ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатлар учун инфляция даражаси бир қатор сабабларга кўра

одатда юқорирак (2 фоиздан 6 фоизгача) бўлади.

Марказий банк истеъмол нархлари индексини жиловлаб туриш мақсадида пул ва кредит таклифини назорат қилиб туради (2-диаграмма). Агар иқтисодиётда муомалада бўлган умумий пул таклифи 2019 йил 1 январь ҳолатига 80 165 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йил биринчи чорак яку-

*Халқаро амалиётда инфляцияни таргетлаш тизими кутилаётган инфляция даражасини бошқаришнинг энг самарали воситаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу тизимнинг ўзига хос хусусияти пул-кредит сиёсатининг мақсадлари ва устувор йўналишларини аниқ ва ошқора белгилаш, унинг барча иқтисодий агентлар учун очиқлигидадир. Бу аҳоли ва бозорда ижобий инфляцион кутилмаларни шакллантиришга ёрдам беради ва уларнинг марказий банк ва олиб борилаётган пул-кредит сиёсатига бўлган ишончини оширади.*

25 йилдан ошиқ вақт давомида инфляцияни таргетлаш тизими нафақат ривожланган мамлакатларда (масалан, Норвегия, Швеция, Канада), шунингдек, ривожланаётган мамлакатларда (Польша, Чехия) ҳам паст ва олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган инфляцияни таъминлашда самарали усул эканлиги ўз исботини топди.

нига келиб бу кўрсаткич 79 523 млрд. сўмга тушди, бироқ жорий йил бошига мазкур кўрсаткич 91 266 млрд. сўмга ортди. Шу билан бирга, иқтисодий таъминлаш чикарилган кредитлар ҳажми ҳам 2018 йил 1 апрелидан 2020 йил 1 январигача бўлган даврда 10 баробардан ортиқ миқдорда ўсди. Бу эса, ўз навбатида, истеъмол нархлари индекси ўсишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Аммо иқтисодий таъминлаш муайян товарлар ва хизмат нархлари тўғридан-тўғри тартибга солинади. Бу автомобиль ёқилғиси нархи, уй-жой коммунал тўловлари, жамоат транспорти ҳақи ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўл-

ган нархлардир. Истеъмол харажатлари таркибида бундай товарлар ва хизматлар улуши 20 фоизга яқин.

Тартибга солинадиган нархлар ва тарифлар динамикаси Марказий банкнинг бевосита таъсир доирасига кирмайди. Аммо инфляция даражасини белгилашда ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини тузишда тартибга солинадиган нархлар ва тарифларнинг ўсишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Халқаро амалиётда инфляцияни таргетлаш тизими кутилаётган инфляция даражасини бошқаришнинг энг самарали воситаси бўлиб хи-

ларини ошириш мақсадида банкларнинг давлат маблағларига бўлган қарамлигини пасайтириш;

- банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш, банк фаолиятида замонавий технологик ечимларни кенг жорий этиш назарда тутилади.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш режалаштирилган ислохотлар муваффақиятининг ҳамда банк тизимига ишонччи сақлаб туришнинг асосий омилли ҳисобланади. Ушбу йўналишда хусусан:

- халқаро стандартлар ва илғор тажрибани қўллаган ҳолда банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш;

- кредитлашнинг мўътадил даражада ўсишини таъминлаш ва кредит портфели сифатини яхшилаш;

- банк назоратини ва банкларда таваккалчиликларни бошқариш тизимларини ривожлантириш, шу жумладан рискка асосланган назорат тизимини татбиқ этиш ишлари амалга оширилади.

Банк хизматлари оммабонлигини ошириш аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан етарли даражада хизмат кўрсатилмайдиган (паст даромадли жисмоний шахслар, қишлоқ аҳолиси, микрофирма ва кичик корхоналар) қатламнинг базавий банк хизматларига бўлган талабини қондиришни назарда тутади. Молиявий оммабонлик:

- Жаҳон банки билан ҳамкорликда молиявий оммабонликда (Давоми 10-бетда).



Манба: Статистик бюллетень. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил.

”

**(Давоми. Бошланиш  
5-9-бетларда).**

бопликни оширишнинг аниқ йўналишлари ва чора-тадбирларини белгиловчи Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- давлат иштирокини аҳоли ва кичик бизнес субъектларининг етарлича хизмат кўрсатилмайдиган ва заиф қатламларига йўналтириш;

- мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида молиявий воситачилик экотизимини ривожлантириш ҳисобига таъминланади.

Банк тизимида давлат улушини қисқартириш тизимни тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим компонентидир. Ушбу мақсадда:

- шаффоф танлов асосида банклардаги давлат улушини нуфузли хорижий инвесторларга сотиш;

- хусусийлаштирилаётган банкларда давлат иштироки ва аралашувидан тўлиқ возкечиш;

- банк тизимини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш даврида ҳосил бўладиган иқтисодий бўшлиқларни тўлдириш мақсадида давлат иштирокини учта банкда сақлаб туриш назарда тутилмоқда.

Стратегия доирасида банкларнинг бизнес моделларини ўзгартириш орқали фаолиятларини тижоратлаштириш ва мижозга йўналтирилганлигини ошириш, уларнинг корпоратив бошқарув ва риск-менежмент тизимларини тако-

*Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, ҳозирда 40дан ортиқ мамлакат инфляцияни таргетлаш тизимига ўтди. Бундан ташқари, АҚШ ҳам, Евро ҳудуди ҳам бу тизимни расман эълон қилмасам, ижтимоий мақсад билан барқарор паст инфляцияга эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бир қаторда дунё ялпи ички маҳсулотида инфляцияни таргетлаётган мамлакатларнинг улуши деярли 75 фоизни ташкил этади.*

собланади<sup>2</sup>. Ушбу тизимнинг ўзига хос хусусияти пул-кредит сиёсатининг мақсадлари ва устувор йўналишларини аниқ ва ошқора белгилаш, унинг барча иқтисодий агентлар учун очиклигидадир. Бу аҳоли ва бозорда ижобий инфляцион кутилмаларни шакллантиришга ёрдам беради ва уларнинг марказий банк ва олиб борилаётган пул-кредит сиёсатига бўлган ишончини оширади.

25 йилдан ошиқ вақт давомида инфляцияни таргетлаш тизими нафақат ривожланган мамлакатларда (масалан, Норвегия, Швеция, Канада), шунингдек, ривожланаётган мамлакатларда (Польша, Чехия) ҳам паст ва олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган инфляцияни таъминлашда самарали усул эканлиги ўз исботини топди.

Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра,



<sup>2</sup> Проблемы выживания и развития экономики России. Монография / Под ред. В.А. Петрищева. – Тверь: Твер. гос. ун-т, 2015. – 212 с.

*Иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлашнинг монетар ва номонетар инструментларидан кенг фойдаланилади. Марказий банк монетар инструментлар ёрдамида нархлар даражасига самарали таъсир кўрсатади. Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрига кўра, инфляцион таргетлашдан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида фойдаланиш учун иккита шароит мавжуд бўлиши талаб этилади.*

хозирда 40дан ортиқ мамлакат ушбу тизимга ўтди. Бундан ташқари, АҚШ ҳам, Евро худуди ҳам инфляцияни таргетлаш тизимини расман эълон қилмаса ҳам, ижтимоий мақсад билан барқарор паст инфляцияга эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бир қаторда дунё ялпи ички маҳсулотига инфляцияни таргетлаётган мамлакатларнинг улуши деярли

75 фоизни ташкил этади<sup>3</sup>. Инфляцияни таргетлаш Еврооисиё иқтисодий иттифоқидаги ҳамкорларимиз бўлмиш Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Арманистон томонидан ҳам муваффақиятли амалга оширилди.

Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрига кўра, инфляцион таргетлашдан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида фойдаланиш учун иккита ша-

”  
миллаштириш, хизматлар сифатини ва кўламини ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва соҳага ихтисослашган консултантларни жалб этган ҳолда давлат иш-тироқидаги барча банклар фаолияти трансформация қилинади.

Банк тизимини ислоҳ қилиш ва хусусийлаштиришга тайёрлашда Марказий банкнинг банк тизимининг регулятори сифатидаги ролини кучайтириш орқали лозим даражадаги пруденциал назоратнинг амалга оширилиши молия тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим компоненти ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан Марказий банк томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда тижорат банклари фаолияти пруденциал назорати механизмлари ва жараёнларининг Базель кўмитаси Самарали банк назоратининг асосий тамойилларига мувофиқлигини ўрганиш мақсадида баҳолаш ўтказилиб, аниқланган камчилик ва заиф жиҳатларни бартараф этишга қаратилган Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.

Стратегияни амалга ошириш доирасида мазкур Ҳаракатлар режасида назарда тутилган банкларни тартибга солиш нормалари ва назорат қилиш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Стратегия доирасида амалга ошириладиган ислохотлар натижасида:

**(Охири 12-бетда).**



<sup>3</sup> Инфляцион таргетлаш режимига ўтишнинг долзарб масалалари, «Банк ахборотномаси» газетасининг 47-сони, 2019 й.

”

**(Охири. Бошланиши 5-11-бетларда).**

- давлат улуши бўлмаган банклар активларининг банк тизими жами активларидаги улушини жорий 16 фоиздан 2025 йил якунига қадар 60 фоизгача ошириш;

- банкларнинг хусусий сектор олдидаги мажбуриятларининг умумий мажбуриятлардаги улушини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;

- давлат улушига эга камида учта банк капиталига 2025 йилга қадар етарли тажриба, билим ва обрўга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;

- умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотларининг улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йил якунига қадар 4 фоизгача ошириш;

- банклар депозитларининг мажбуриятларига нисбатини жорий 41 фоиздан 2025 йил якунига қадар 50 фоизга ошириш;

- банкларнинг хорижий валютадаги мажбуриятларининг жами мажбуриятлардаги улушини жорий 58 фоиздан 2025 йил якунига қадар 40 фоизгача камайтириш режалаштирилган.

Мамлакат банк-молия сектори ривожланиш даражаси ва барқарорлигини баҳолаш мақсадида 2024 йилнинг якунига қадар Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг дастури (FSAP) асосида молиявий сектор ҳолатини баҳолаш назарда тутилмоқда.

<https://cbu.uz/oz/press-center/news/269986/>

*Сўнгги йилларда халқаро тажрибада инфляцион таргетлаш режимининг кенг тарқалишида кўп жиҳатдан ушбу режимнинг мақсадлари ва операцион механизмлари очиқлиги, аҳоли ва бизнес вакиллари томонидан осон қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда.*

роит мавжуд бўлиши талаб этилади<sup>4</sup>.

Биринчидан, Марказий банк мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имкониятига эга бўлиши лозим. Марказий банк ҳукумат мақбул деб ҳисоблаган инфляция даражасига эришиш учун монетар инструментларни эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Мамлакатда бюджет-солиқ сиёсатининг талаблари пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқишда устувор йўналишлар сифатида инobatга олинмаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатда «бюджет гегемонлиги» тушунчаси мавжуд бўлмаслиги керак.

Иккинчидан, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи индикатор сифатида танлаб олиниши учун иш ҳақининг ўсиши,

аҳоли бандлиги даражаси ва алмашув курси бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланмаслиги лозим. Бунинг сабаби шундаки, миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан алмашув курси белгиланиши Марказий банкни ўзининг пул-кредит сиёсатини ана шу кўрсаткични бажариш учун мослаштиришга мажбур қилади. Бу эса, ўз навбатида, Марказий банкка инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи таъминлаш учун монетар инструментлардан эркин ва тўлиқ фойдаланиш имконини сезиларли чеклайди. Натижада пул-кредит сиёсатининг тактик мақсадлари мазмунида икки ёқламалик, қарама-қаршилик юзага келади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётда нархлар бар-

*Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий банки мазкур мақсадга эришиш йўлида ўзининг пул-кредит инструментларини такомиллаштириб бормоқда. Бу борада фоиз каналлари самарадорлиги оширилиши, операцион механизмлар такомиллаштирилиши, очиқ бозордаги фаоллик ошишини қайд этиш лозим.*

<sup>4</sup> Сухарев А.Н. Направления размещения государственных финансовых резервов федерального бюджета // Финансы и кредит. 2010. №3. – С. 21-30.



қарорлигини таъминлашнинг монетар ва номонетар инструментларидан кенг фойдаланилади. Марказий банк монетар инструментлар ёрдамида нархлар даражасига самарали таъсир кўрсатади.

Сўнги йилларда халқаро тажрибада инфляцион таргетлаш режимининг кенг тарқалишида кўп жиҳатдан ушбу режимнинг мақсадлари ва операцион механизмлари очиқлиги, аҳоли ва бизнес вакиллари томонидан осон қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инфляцион таргетлаш режимига бошқичма-бошқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан 2020 йилдан Марказий банк пул-кредит сиёсатини инфляцияни таргетлаш режими асосида амалга ошириб бормоқда. Бунда инфляциянинг узоқ муддатли мақсадли кўрсаткичи сифатида 2023 йил якунига қадар уни 5 фоиз даражага пасайтириш ва ушбу даражада бўлишини таъминлаш белгилаб олинган.

*Марказий банк ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инфляцион таргетлашга ўтиш мақсадида коммуникацион сиёсатни ривожлантириш, унинг таъсирчанлигини ошириш, кенг жамоатчиликни қамраб олиш ҳамда фаолияти очиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда ва бу борада ҳам изчил амалий ишлар олиб бормоқда.*

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий банки мазкур мақсадга эришиш йўлида ўзининг пул-кредит инструментларини такомиллаштириб бормоқда. Бу борада фоиз каналлари самарадорлиги оширилиши, операцион механизмлар такомиллаштирилиши, очиқ бозордаги фаоллик ошишини қайд этиш лозим.

Шу билан бир қаторда, Марказий банк ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инфляцион таргетлашга ўтиш мақсадида коммуникацион сиёсатни ривожлантириш, унинг таъсирчанлигини ошириш, кенг жамоатчиликни қамраб олиш ҳамда фаолияти очиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда ва бу бо-


рада ҳам изчил амалий ишлар олиб бормоқда.

#### **ABSTRACTS**

##### **THE ROLE AND TASKS OF CENTRAL BANKS IN ENSURING PRICE STABILITY**

Price stability in the economy is one of the most important indicators of macroeconomic stability and plays an important role in ensuring long-term growth. The author of the article commented on the role of central banks, in particular, the Central Bank of the Republic of Uzbekistan in this regard.

# СКОРИНГ ТИЗИМИ: МОҶИЯТИ, АҲАМИЯТИ ВА УНИ БАНКЛАРДА ҚЎЛЛАШ



**Омон Абдуллаев,**  
АТ «Халқ банки»  
Келес филиали бош  
бухгалтер ўринбосари,  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси  
тингловчиси

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида «2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили» деб эълон қилинди. Бунга мувофиқ равишда республикамизнинг давлат органларида, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида, хусусан, банк тизимида ҳам рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш бўйича ишлар жадал амалга оширилмоқда. Чунки рақамли иқтисодиётни қўллаш меҳнат унумдорлигини оширади, жараёнлар шаффоф бўлади, хуфёна иқтисодиёт қисқаради ва коррупциянинг олди олинади.



Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларининг ўрни қандай бўлади, рақамли иқтисодиёт ўзи нима ва уни ривожлантиришда банкларнинг аҳамияти нималарда кўринади?

Дастлаб, 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte «рақамли иқтисодиёт» терминини амалиётга киритган. Ҳозирда бу терминни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Жаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди («Рақамли дивидендлар»).

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланadi. Рақамли иқтисодиётни банкларда қўллаш натижасида банк хизматларини кўрсатиш тезлиги ва сифати ошади, мижозларнинг масофадан туриб ҳам банк хизматларидан фойдаланиш имконияти кенгайди.

Республикамиз банкларининг кредит фаолиятида ҳам рақамли иқтисодиётнинг бир элементи бўлган скоринг тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу кредит бериш жараёнини тезлаштиради, кредит рискинни камайтиради, кредит портфели

*Скоринг – бу мижозларни кредитлаш жараёнида рискларни баҳолаш технологияси бўлиб, у кредит ташкилотининг рискларни баҳолашнинг математик моделини қуриш, рискларни бошқариш востаси ва кредит қарорларини қабул қилиш ҳамда кредитлашдаги бизнес жараёнларни автоматлаштириш асосида ҳисобни юриштишни ўз ичига олади.*

сифатини яхшилайти ва банкларнинг молиявий барқарорлигини оширади. Энг муҳими, тадбиркорларнинг банклардан кредит олиши енгиллашади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш асосида банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш, филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш, мижозларга кредит беришнинг замонавий турларини жорий қилиш таъкидланган<sup>1</sup>.

Скоринг – мавжуд бўлган статистик моделлар асосида биринчи мартаба ўсимликлар дунёсига нисбатан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосчиси Дэвид Дюран Фишер ҳисобланади. У 1936 йилда ўсимликларни «яхши» ва

«ёмон» гуруҳларга маълум бир баллар асосида ажратишга ҳаракат қилган.

Биринчи скоринг карталари XX асрнинг 40-йилларида АҚШда пайдо бўлган. Унда экспертлар томонидан 10 тадан ошмаган тавсифловчи кўрсаткичлар асосида скоринг баллари қўйилган. Чунки 1941 йилда АҚШда банк эксперт-тахлилчиларининг ёппасига фронтга кетиши муносабати билан банк кредит фаолиятида скоринг усулларидан фойдаланиш кенг қўлланила бошлади.

Кредит скоринги тарихига назар солсак, биринчи скоринг модели 1956 йилда пайдо бўлган. Билл Фире ва Эарл Исаак одамларнинг рақамлар бўйича тўлов қобилиятини – кредит рейтингини кўрсатадиган алгоритмни ишлаб чиқдилар. Аслида қарз берувчининг хавфи илк бор ҳисоблаб чиқилди. Ҳамкорлар дунёдаги энг йирик кредит бюросига айланган Fair Isaac Corporation, FICO компаниясини ташкил этдилар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2018.

<sup>2</sup> И.Р. Тоймухамедов, К.Х. Шахрамова. Ўзбекистон банклари кредит операцияларини ривожлантиришда скоринг усулларининг имкониятлари (<http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/22942-ozbkiston-banklari-kredit-opratsiyalarini-rivojlantirishda-skoring-usullarining-imkoniyatlari>).

Скоринг сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб (scoring), «балларни ҳисоблаш» ва қарор қабул қилишда балларни баҳолаш деган маънони англатади.

Демак, скоринг – бу миждо-ларни кредитлаш жараёнида рискларни баҳолаш технологияси бўлиб, у кредит ташкилотининг рискларни баҳолашнинг математик моделини қуриш, рискларни бошқариш воситаси ва кредит қарорларини қабул қилиш ҳамда кредитлашдаги бизнес жараёнларни автоматлаштириш асосида ҳисобни юриштишни ўз ичига олади.

Кредит скоринги (credit scoring – миждонинг кредит олиш қобилиятини баҳолаш тизими) қарз олиш учун ариза берган шахсларнинг кредит рискларини тез ва объектив баҳолашнинг статистик усулидир.

Умумий тарзда скоринг – бу кредит муносабатларининг барча босқичларида миждо билан ишлаш маъносини англатади. Шунинг учун скоринг қарздорни унинг ижтимоий-демографик тавсифлари асосида берилган ахборотларга асосланиб математик таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш демақдир.

Бир қатор Фарб мамлакатлари олимларининг фикрича, автоматлаштирилган скоринг тизими юқори даражада самарали бўлиши учун куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

**Объективлик.** Скоринг модели турли омилларнинг объективлиги ва қарор қабул қилишда субъектив инсон омилнинг таъсирини камайтириши лозим.

**Автоматлашганлик.** Скоринг модели реал вақт режимида кре-

## *Кредит скоринги (credit scoring – миждонинг кредит олиш қобилиятини баҳолаш тизими) қарз олиш учун ариза берган шахсларнинг кредит рискларини тез ва объектив баҳолашнинг статистик усулидир.*

дит аризаларининг катта оқимини кўриб чиқиш имкониятига эга бўлиши лозим.

**Аниқлик.** Скоринг моделининг аниқлик даражаси юқори бўлиши керак, яъни нотўғри таснифланган миждолар сони кам бўлиши лозим.

**Мослашувчанлик.** Скоринг модели кредит ташкилотининг ташқи ва ички муҳитидаги ўзгаришлар, шунингдек, назорат органларининг норматив ҳужжатларидидаги ўзгаришларни ҳисобга олиши лозим.

**Ўзгарувчанлик.** Скоринг моделининг ўзгарувчанлиги моделга ўзгаришлар киритиш имкониятининг мавжудлиги, омиллар ҳиссасини ўзгариши, янги омилларни қўшиш ва модель параметрларини ўзгаришидан иборат.

**Тушунарлилик.** Скоринг моделининг муҳим хусусияти маълум бир қарздорнинг аниқ бир кредит рейтингини олишда тушунтириш бериш имконияти мавжудлигидир. Баъзи усулларда қарздорга нима учун кредит олиши рад этилганлиги бўйича тушунтиришлар берилмайди. Қарор қабул қилишнинг тушунарлилиги юқори даражада бўлган скоринг модели олинган натижаларнинг осон қабул қилинишига олиб келади.

Бугунги кунда АҚШда миждо-ларни баҳолашда ўз миллий кре-

дит скоринг тизимига эга бўлган 3 та компания мавжуд. Улар:

1. Fair, Isaac & Company (FICO). Билл Фире ва Эрл Исаак унинг эгалари бўлиб ҳисобланадилар. Улар статистик моделлар ёрдамида 1956 йилда миждо-ларнинг кредит олиш қобилиятини баҳолашда ўз тизимини яратган шахслардир. Шу билан бирга, жаҳон скоринг тизимида кредит скорингини яратган шахслар ҳам шулар ҳисобланади<sup>3</sup>.

2. Wells Fargo. Бу компания 1997 йилда кредитлаш скоринг тизимини банк амалиётига ёппасига жорий этган.

3. Franklin & Crand Company ҳар бир банк ва унинг миждолари фойдаланиши мумкин бўлган кредит скоринг тизимини яратишга ҳаракат қилган.

Ўзига юклатилган вазибаларни бажариш йўналишига кўра, кредит скоринги бир неча турларга бўлинади:

- application scoring (аризалар скоринги) – янги миждонинг кредитни тўлаш эҳтимоли баҳоланади;

- behavioral scoring (ахлоқий скоринг) – миждонинг маълумотлари асосида унинг риск даражаси ҳисоблаб чиқилади, ижтимоий тармоқлардаги хатти-ҳаракатлар асосида ҳисобланиши мумкин;

<sup>3</sup> Boyle M., Crook J. N., Hamilton R., Thomas L. C. *Methods for credit scoring applied to slow payers in Credit Scoring and Credit Control* // Oxford University Press. 1992.

- collection scoring (муддати ўтган қарзлар билан ишлаш скоринги) – кредитни тўламаганлар учун қачон қандай чоралар қўллаш зарурлиги аниқланади;

- fraud scoring (кўзбўямачилар скоринги) – янги мижоз кўзбўямачи эмаслиги эҳтимоли баҳоланади;

- response scoring (чақирув скоринги) – истеъмолчининг банк томонидан унга қилинган таклифга бўлган реакцияси баҳоланади;


- attrition scoring (йўқотишлар скоринги) – маҳсулотнинг келажақда ундан фойдаланиш имконияти ёки бошқа товар етказиб берувчига ўтиш имконияти баҳоланади<sup>4</sup>.

Скоринг бошқичлари маълумотлар таҳлили, моделни танлаш, моделни ишга тушириш ва скоринг модели маълумотларини сақлаш бошқичларига бўлинади.

Иқтисодий адабиётларда кредит скорингидаги асосий камчиликлар сифатида қуйидагилар келтирилади:

- ◆ скоринг тизимларида асосан олдинги қарз олувчиларнинг олган кредитлари бўйича кредит олиш қобилияти баҳоланади, скоринг моделларида келгусидаги мижозларнинг хулқ-атвори ва уларнинг келгусида ўзларини тутишлари фақат башорат қилинади;

- ◆ дастур реал инсонни эмас, балки унинг ўзи тўғрисидаги ахборотни баҳолайди. Бунда яхши тайёрланган мижоз ёлғон маълумотлар асосида кредит



Манба: ўрганилган адабиётлар асосида мустақил тузилди.

<sup>4</sup> Абдуллаева Ш. – ТМИ профессори, и.ф.д. Кредитлашда скорингни қўллаш амалиёти. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил.

олиш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин;

◆ скоринг моделлари доимий равишда қайта ишлашни ва янгиланишни талаб этади, чунки кредит беришнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатлари доимо вақт ўтиши билан ўзгариб боради<sup>5</sup>.

Скоринг усуллари қуйидаги турларга бўлинади:

■ дискриминацион таҳлилга асосланган статистик усуллар (чизикли регрессия, логистик регрессия);

■ чизикли дастурлаш вариантлари;

■ тасниф дарахти ёки рекурсион қисм алгоритми (РКА);

■ нейрон тармоқлари;

■ генетик алгоритм;

■ энг яқин қўшнилар усули<sup>6</sup>.

Регрессия усули анъанавий ва энг кенг тарқалган усул бўлиб ҳисобланади, биринчи навбатда кўп чизикли регрессия:

$$P = w_0 + w_1 x_1 + w_2 x_2 + \dots + w_n x_n,$$

бу ерда  $P$  – бажарилмаслик эҳтимоли,  $w$  – оғирликлар,  $x$  – мижознинг хусусиятлари.

Ушбу моделнинг камчилиги шундаки, тенгламанинг чап томонида 0 дан 1 гача бўлган қийматларни олиш эҳтимоли мавжуд, ўнг томонидаги ўзгарувчилар эса –  $\Gamma$  дан  $+\Gamma$  гача бўлган ҳар қандай қийматларни олишлари мумкин.

Логистик регрессия бу камчиликни енгиб чиқади:

$$\log(n/(1-n)) =$$

$$= w_0 + w_1 x_1 + w_2 x_2 + \dots + w_n x_n^7.$$

Логистик регрессияни қўлаш учун оғирлик коэффициент-

ларини ва шунинг учун янада кучли компьютер базасини ва кучли компьютер дастурларини олиш учун анча мураккаб ҳисоб-китоблар талаб қилинади. Аммо компьютер технологияларининг ҳозирги ривожланиш босқичида бу муаммо эмас ва ҳозирги вақтда логистик регрессиядан скоринг тизимларида кенг фойдаланиш мумкин.

Логистик регрессиянинг афзаллиги шундаки, у мижозларни икки гуруҳга (0 – ёмон, 1 – яхши) ва/ёки бир неча гуруҳларга (1, 2, 3, 4 хавф гуруҳлари) ажратиши мумкин. Регрессия усуллари таснифлаш хусусиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар ҳисоб-китобини ўз ичига олади, шунинг учун моделда кучли корреляция қилинган мустақил ўзгарувчилар бўлмаслиги керак.

Чизикли дастурлаш асосида чизикли скоринг модели ишлатилиши мумкин. Яхши ва ёмон мижозларни мутлақо аниқ таснифлаш мумкин эмас, аммо хатони минималлаштиришга эришса бўлади. Хатоларни ми-

нималлаштириш мақсадида коэффицентларни қўллаш мумкин.

Таснифлаш дарахти ва нейрон тармоқлари мижозларни гуруҳларга ажратадиган тизимлар бўлиб, улар ичида риск даражасига кўра фарқланади. Нейрон тармоқлар тизими асосан юридик шахсларнинг кредитга лаёқатини аниқлашда фойдаланилади, истеъмол кредитига қараганда кичикроқ ҳажмдаги намуналар таҳлил қилинади.

Генетика алгоритми табиий танланишнинг биологик жараёни билан ўхшашликка асосланган. Кредитлаш соҳасида қуйидагича кўринади: «мутациялар», «хоч»ларни бошдан кечирадиган таснифлаш моделлари тўплами мавжуд бўлиб, натижада «энг кучли», яъни энг аниқ таснифловчи модель танланади.

Яқин қўшнилар усулидан фойдаланганда, мижозлар орасидаги масофани аниқлаш учун ўлчов бирлиги танланади. Намунадаги барча мижозлар маълум бир фазовий позицияни олиша-

*Логистик регрессияни қўллаш учун оғирлик коэффицентларини ва шунинг учун янада кучли компьютер базасини ва кучли компьютер дастурларини олиш учун анча мураккаб ҳисоб-китоблар талаб қилинади. Аммо компьютер технологияларининг ҳозирги ривожланиш босқичида бу муаммо эмас ва ҳозирги вақтда логистик регрессиядан скоринг тизимларида кенг фойдаланиш мумкин.*

<sup>5</sup> Yobas M. B., Crook J. N., Ross P. Credit scoring using neural and evolutionary techniques//Working Paper 97/2, Credit research Centre, University of Edinburgh.

<sup>6</sup> Андреева Г. Скоринг как метод оценки кредитного риска <https://www.cfin.ru/finanalysis/banks/scoring.shtml>

<sup>7</sup> Desai V. S., Conway D. G., Crook J. N., Overstreet G. A. Credit scoring models in the credit union environment using neural networks and genetic algorithms//IMA J. Mathematics applied in business and industry. 8/1997.

ди. Ҳар бир янги мижоз яхши ёки ёмон, қайси мижоз кўпроқ унинг атрофида бўлишига қараб таснифланади.

Амалиётда бир нечта усулларнинг комбинацияси қўлланилади ҳамда компания ва банклар скоринг моделларининг бир нечасидан фойдаланиши мумкин.

Юқорида тавсифланган омилларга асосланиб, компания, масалан, паст рейтингга эга бўлган барча номзодларни рад этиш ёки уларга юқори нарх талаб қилишлари мумкин, чунки улар катта хавф туғдиради. «Ёмон» мижоз тушунчаси асосан банкротлик, фирибгарлик, қонунга хилоф иш, дефолт ва салбий соф қиймат (ССК) каби салбий кўрсаткичлар билан белгиланади.

Риск рейтинги тўғрисидаги маълумот бошқа омиллар билан бирлаштирилган, масалан ўртача тасдиқлаш даражаси ва ҳар бир хавф даражаси учун даромад / даромад потенциали даромадларни кўпайтириш ва ёмон қарзларни минималлаштирадиган янги дастурларни танлаш стратегияларини ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин. Юқори хавфли номзодлар учун стратегияларга мисоллар:

- ❖ агар таваккалчилик даражаси жуда юқори бўлса, кредит ёки хизмат кўрсатишни рад этиш;

- ❖ бошланғич кредит лимити ёки кредит картадаги кредитнинг максимал қиймати;

- ❖ ипотека кредитлари ёки автоулов кредитлари бўйича гаров пулини бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзни тўлашда нархнинг ошиши;

- ❖ кредит бўйича фоиз ставкасининг ошиши;



Манба: ўрганилган адабиётлар асосида мустақил тузилди.

Жадвал

**Райффайзен банкда ишлатилаётган кредит скоринги модели кўрсаткичлари**

Кўрсаткич	Вариант	Балл
Жинс	аёл	86
	эркак	70
Оилавий шароит	Турмуш қурмаган	57
	Ажрашган	70
	Турмуш қурган	83
Ёши	<=25	46
	26-30	57
	31-40	70
	41-50	84
	51<=	103
Иш стажи	<=3 йил	70
	4-10 йиллар	98
	11<= йилдан кўп	131
Лавозими	Top Management	50
	Бошқа лавозим	70
	Бошқа банкда	70
Банк ҳисобварағининг мавжудлиги	Бошқа банкда	70
	Шу банкда	115

Манба: Панягина А.Е. Использование метода «дерево решений» для оценки кредитного риска // Экономика и менеджмент инновационных технологий. 2013. №9 [Электронный ресурс]. URL: <http://ekonomika.snauka.ru/2013/09/2978>.

## *Скоринг модели ишга тушганда ноаниқ маълумотлар, яширилган маълумотлар ёки кредит беришда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган маълумотлар аниқланганда кредит беришда нолойиқ маълумотлар аниқланган мижозга етказилади ва кредит бериш масаласи тўхтатилади.*

❖ суғурта полислари бўйича мукофотларнинг кўпайиши;

❖ потенциал фирибгарлик фаолияти аниқланса, кузатув остига олиш.

Аксинча, юқори рейтингга эга бўлган номзодларга имтиёзли фоиз ставкалари бўйича катта кредитлар, юқори даражадаги хизматлар, масалан, олтин ёки платина карталари ёки компания томонидан таклиф қилинадиган қўшимча маҳсулотлар берилиши мумкин.

Иловалар рейтингини тегишли тартиб-қоидалар учун ҳам ишлатиш мумкин. Масалан, жуда юқори ёки жуда паст рейтингга эга бўлган номзод, мулк тўғрисида қўшимча маълумот олмасдан, даромадни тасдиқловчи ҳужжат ёки асосий активни тасдиқламасдан дарҳол қабул қилиниши ёки рад этилиши мумкин.

Скоринг модели ишга тушганда ноаниқ маълумотлар, яширилган маълумотлар ёки кредит беришда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган маълумотлар аниқланганда кредит беришда нолойиқ маълумотлар аниқланган мижозга етказилади ва кредит бериш масаласи тўхтатилади.

Юқоридаги мисоллар дастур маълумотларини йиғиш босқичида фойдаланиш учун келтирилди. Рискларни баҳолаш мав-

жуд мижозлар учун худди шундай қўлланилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, мижозларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлардан мижозларнинг салбий хатти-ҳаракатларини тахмин қилиш учун фойдаланса бўлади. Мижозга нисбатан бошқа ҳаракатлар қўлланилиши мумкин, масалан:

- бошқа маҳсулотларни таклиф қилиш ва/ёки мавжуд маҳсулотларни такомиллаштириш;

- кредит лимитининг ошиши/пасайтирилиши;

- кредитдан фойдаланувчи баъзи мижозларга кредит лимитидан ошиб кетишига имкон бериш;

- потенциал фирибгарлик операциялари учун жарималар;

- кредит олиш ёки суғуртани янгилаш учун бошқа нарх таклиф қилиш;

- муддати тугагандан кейин кредит картасини қайта чиқариш тўғрисида қарор;

- қонунбузарлардан тўловларни янада қаттиқ йиғиш ёки улар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш агентликларига юбориш;

- телефон алоқаси ёки кредит хизматларининг тўхтатилиши;

- потенциал фирибгарлик фаолияти туфайли кузатув остига олиш.

Рискларни баҳолаш, риск даражасини баҳолаш воситаси бўлишдан ташқари, бошқа операцион соҳаларда ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда, масалан:

- ◆ Қарорларни қабул қилиш жараёнини соддалаштириш, яъни юқори хавфли ва чегара билан боғлиқ аризалар синчковлик билан кўриб чиқиши учун кўпроқ тажрибали ходимларга юборилади, паст даражадаги талабномалар эса ёш ходимларга берилади;

- ◆ автоматик қарорлар қабул қилишдан фойдаланган ҳолда буюртмаларни кўриб чиқиш вақтини қисқартириш;

- ◆ сотиб олинadиган портфеллар сифатини баҳолаш;

- ◆ капитални иқтисодий тартибга солишни ўрнатиш;

- ◆ қарздор портфелининг ишончлилигини таъминлаш учун нархлаш;

- ◆ турли каналлар / минтақалар / етказиб берувчилар томонидан бизнес сифатини таққослаш.

Шундай қилиб, рискларни скоринг қилиш кредиторларга эмпирик олинган маълумотларга асосланган изчил ва объектив қарорларни қабул қилишда қулайлик туғдиради. Ишбилармонлик билимлари билан бир қаторда, башоратли моделлаштириш технологиялари риск менежерларига рискларни бошқариш жараёнини ва уни бошқариш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Хулоса қилишда иккита асосий муаммо мавжуд. Биринчиси, намунани таснифлаш фақат кредит берилган мижозлар бўйича амалга оширилади. Кредит олишдан бош торган мижозлар ўзларини қандай тутишини биз

ҳеч қачон билмаймиз: эҳтимол, бир қисми «якши» қарз олувчи бўлиб чиқиши мумкин.

Аммо, қоида тариқасида, етарли даражада жиддий сабабларга кўра қарз рад этилади. Банклар рад этиш сабабларини қайд этишади ва «мижоз» тўғрисидаги маълумотларни сақлашади. Бу уларга кредит олиш учун муурожаат қилган мижозларнинг асл сонини аниқлаш имконини беради.

Иккинчи муаммо шундаки, одамлар вақт ўтиши билан ўзгаради ва одамларнинг хулқ-атвори ўзгаришига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўзгаради. Шу сабабли, скоринг моделлари энг янги «мижозлар» намуналари асосида ишлаб чиқилиши, вақти-вақти билан тизимнинг сифатини текшириб туриши ва сифат ёмонлашганда янги моделни ишлаб чиқиши керак. Ғарбда янги модель ўртача йилига ярим йилда бир марта ишлаб чиқилади, моделни алмаштириш ўртасидаги давр ўша даврдаги иқтисодийнинг барқарорлигига қараб ўзгариши мумкин. Ўзбекистон учун, эҳтимол, максимал муддат олти ойни ташкил қилади.

Ижтимоий-иқтисодий тавсифларни моделга қандай кириштиш кераклиги бўйича тадқиқотлар давом этмоқда.

Албатта, кредит бюроларининг йўқлиги скоринг ривожланишига ёрдам бермайди. Аммо, бошқа томондан, Ғарбда одам анкетада ўзи тўғрисида кўрсатган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш муаммоси мавжуд. Ўзбекистонда ушбу маълумотларнинг аксарияти паспортда бор. Банклар учун паспорт маълумотлари ва меҳнат дафтарчалари маълумотлари етарли – бу таҳлил учун манба.


Эҳтимол, Ўзбекистонда скоринг биринчи навбатда жисмоний шахсларга эмас, балки юридик шахсларга нисбатан қўлланилади, чунки банклар турли хил мураккабликдаги ва автоматлаштиришнинг турли даражаларига асосланган хавфларни баҳолаш тизимларидан фойдаланган ҳолда корхоналар тўғрисида кўпроқ маълумот тўплашган. Скоринг тизимининг балл тизимидан фарқи шундаки, биринчидан, маълум бир коэффициент ёки молиявий кўрсаткичнинг аҳамияти субъектив равишда белгилана-

ди, иккинчидан, коэффициентлар хавф даражаси билан боғлиқ.

Ғарбда юридик шахсларга кредит беришда скоринг моделлари истеъмол кредитларини беришда кенг тарқалган эмас. Сўнгги йилларда кичик бизнес учун скоринг моделларини ишлаб чиқишда катта силжишлар рўй берди. Кичик бизнес учун скоринглардан фойдаланиш айнан шу каби корхоналарнинг кўплиги сабабли амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ҳам скоринг усулларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Шунинг учун мамлакат банк тизими олдида бир нечта вазифалар турибди. Жумладан:

- кредит маҳсулотларини бошқариш;
- қарор қабул қилиш стратегиясини ташкил этиш;
- кредитларни сотиш мониторингини шакллантириш;
- скоринг моделларини, яъни мижознинг кредит олиш қобилиятини баҳолаш моделларини яратиш;
- қарор қабул қилишнинг скоринг тизимини тузиш, банк



кредит портфели ва скоринг модели адекватлигини кузатиб бериш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда халқаро миқёсда скоринг усуллари «Microsoft Office Excel» ва бошқа махсус дастурий таъминотлар орқали амлга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари тизимида ҳамда нобанк ташкилотларида скоринг моделини қандай ташкил этиш мумкин?

Чакана банк хизматларига ихтисослашган «Райффайзен-банк» вакилларининг фикрига кўра, бунинг уч усули мавжуд:

1. Бирон-бир яхши мақсадли кредитни олиб, ўша кредит бўйича модель яратиш.

2. Бошқа мамлакатда тайёрланган моделни сотиб олиш.

3. Ушбу ҳолат учун идеал ҳисобланган ўз моделини яратиш.

Мамлакатимиз банк тизимида скоринг моделларини тузишда кузатилаётган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

❖ бизнес-жараёнлар йўлга қўйилган ва тартибга солинган, фақатгина скоринг тизимининг тахлилий компонентлари интеграцияси талаб этилмоқда;

❖ бизнес-жараёнлар оёққа турган, кредит аризаси билан тўлиқ ишлаш жараёнларини максимал жорий этиш ва уларнинг тўлиқ таъминланишига барча имкониятлар яратилган.

Тижорат банклари тизимида амалиётга киритилиши кутилаётган кредит скоринги учун замонавий қарор – бу:

● скоринг моделларини яратиш (эксперт, математик, таҳлил ва молиявий баҳолаш, ушбу моделлар интеграцияси);

● кредит маҳсулотлари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш (бир неча дақиқада қарздорнинг стратегик тахлили);

● таҳлил ва скоринг учун ташқи манбалардаги ахборотлардан фойдаланиш (қора рўйхат, кредит бюроси, ўзининг локал маълумотлар базаси);

● кредит сиёсати учун оддий қоидалар ва бошқарув қоидаларини яратиш;

● бонуслар тизими, жарималар (потенциал қарздорларни баҳолаш учун);

● кредит мутахассислари учун турли қоидаларни, аризаларни тарқатиш, уларни яратиш ва бошқариш борасидаги вази-


фаларни бўлиб бериш (турли ҳуқуқлар бўйича);

● кредит мутахассислари учун турли скоринг рейтингларининг эгилувчан интерпретациясини белгилаб бериш ва бошқалардан иборатдир.

Банк ходимларининг фикрича, ташқи ахборот манбалари скорингда 40 фоиз, банкда эса ахборотларнинг ҳаққонийлиги 70 фоизни ташкил этади.

Юқоридагиларга қўшимча тарзда шуни таъкидлаш мумкинки, скоринг соф математикага асосланган дастурдир. Ушбу баллар орқасида реал инсон омили кўринмайди. Айниқса, кредит скоринги банк ходимининг миждоз тўғрисидаги шахсий фикрини ҳисобга олмайдиган соф математик маҳсулот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда тақдим этилаётган кредит скоринглари тахминий равишда жорий этилмоқда. Скоринг карталари банк кредит тахлилларининг эксперт билимларига таяниб олинади. Бу эса банкларнинг миждозлар базаси кенгайишига ва уларнинг сифат даражаси ошишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.



*Ҳозирги кунда тақдим этилаётган кредит скоринглари тахминий равишда жорий этилмоқда. Скоринг карталари банк кредит таҳлилларининг эксперт билимларига таяниб олинади. Бу эса банкларнинг миждозлар базаси кенгайишига ва уларнинг сифат даражаси ошишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.*

Фикримизча, мамлакатимиз тижорат банкларида кредитлаш жараёнларини амалга оширишда скоринг моделларидан фойдаланиш кредит муносабатлари учун куйидаги функционал имкониятларни яратлади:

- ◆ кредит бериш ва уни бошқаришнинг марказлашув жараёнлари вужудга келади;

- ◆ банк фаолияти учун скоринг моделлари тузилади ва уларнинг қарорларни қабул қилиш жараёнлари автоматлаштирилади;

- ◆ банк қарздорларнинг стратегик таҳлилини яратиш имконияти кенгайди;

- ◆ банк ходимлари томонидан нафақат ички ахборот маълумотлари, балки ташқи ахборот манбалари билан ишлаш имкониятлари пайдо бўлади (кенгайди);

- ◆ банк кредит сиёсати қоидаларини автоматик қарорлар асосида бошқариш ҳамда ҳаққоний қарорларни қабул қилиш даражаси ўсади;

- ◆ ва ниҳоят, скорингга миждозларнинг кредит олиш қобилияти яратилган модель орқали башоратланади. Унда миждознинг тавсифи ва унинг қарзни қоллаш ахлоқий ҳолати билан башоратланиш усулларига ўтиш жараёнлари вужудга келади. Аммо халқаро миқёсда фойдаланилаётган

банк ходимлари фикрлари шуни англатадики, скоринг моделлари ва уларнинг инструментлари учун ташқи ахборот манбалари кредит қарорларини қабул қилишда етарли ҳисобланмайди. Скоринг моделлари аниқ олинган банкнинг кредит маҳсулотли хусусиятларини эътиборга ололмайди.

Лекин мамлакатимиз банк тизимида ва нобанк ташкилотларида кредит скорингини жорий этиш натижасида кредитлаш жараёнлари такомиллаштирилади ва банк-миждоз дастурий маҳсулотларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятлари ошади.

Шунинг учун, фикримизча, кредит скоринг моделларини мамлакатимиз кредит тизимида жорий этишда куйидаги тавсияларга суяниш мақсадга мувофиқдир:

1. Кредит скоринги етарли маълумотлар мавжуд бўлганда яхши ҳисобланади. Чунки улар реал кредит портфели кузатувларига асосланади.

2. Бундай ҳолатда оптимал инструмент сифатида collection-скоринг тизими энг мақбул ҳисобланади. Яъни, мuddати ўтган қарзлар билан ишлаш скоринги – кредитни тўламаганлар учун қачон ва қандай чоралар қўллаш зарурлигини аниқлаш имкониятларини очиб беради. Бунда юқо-

рида очиб берилган ушбу тизим имкониятлари кенгайтирилиши зарур. Биринчидан, тизимнинг интеграциялашув жараёни натижасида ушбу тизим фақат бир банкнинг маълумотлари асосида эмас, балки компания ишлайдиган бир нечта банклар маълумоти билан ишлаши керак. Иккинчидан, келажакда collection-скорингнинг бир нечта йўналишларини ривожлантириш мумкин.

3. Математик ва статистик аппаратнинг янгиланиши ва тизим самарадорлигини ошириш ҳисобида қарздорга нисбатан таъсир этишнинг янги воситаларини жорий қилиш – ахборот технологияларидан кенгрок фойдаланиш, интерактив воситалар орқали таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш механизмлари вужудга келади.

4. Ташқи ва ички ахборот оқимларини кўпайтириш ҳамда ҳар бир миждозга индивидуал ёндашувни шакллантириш зарур.

## ABSTRACTS

### SCORING SYSTEM: NATURE, SIGNIFICANCE AND ITS APPLICATION IN BANKS

The application of the digital economy will increase labor productivity, processes will be transparent, the shadow economy will be reduced and corruption will be prevented. The author of the article talks about the importance of using a scoring system in lending, as well as provides recommendations for the introduction of this system.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАР АЙЛАНМАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИ



**Баҳром Аннакулов,**  
«Агробанк» АТБ  
Самарқанд вилоят  
бошқармаси Иштихон  
филиали «Иштихон»  
мини-банки мудури,  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси  
тингловчиси

Ўтган асрнинг сўнгги декадасида интернет тармоғининг юзага келиши ва унинг XXI асрда глобаллашуви рақамли воситаларнинг ривожланишига олиб келди. Бу эса

**Криптовалюталар ва пул муомаласи ҳақида сўз юритганда уларнинг пул эволюциясидаги ўрнини аниқлаштириб олиш керак, албатта. Агар пулнинг эволюциясига эътибор қаратадиган бўлсак, бартер тизимидан сўнг товар пуллар вужудга келди ва айирбошлаш воситаси сифатида оммавий фойдаланила бошлади. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши туфайли товар пулларнинг сўнгги шакли бўлган металл пулларга юзага келган танқислик қоғоз пуллар оммалашишига олиб келди. Шу билан бир қаторда банкларнинг кредитлаш тизимидаги ўзига хос хусусияти уларни пулларнинг кейинги шакли бўлган банк депозитларининг яратилишига замин яратади.**

ўз навбатида пулларнинг кейинги авлоди бўлган рақамли пулларни ҳам пайдо қилди. Рақамли пуллар икки турга бўлиниб, бири электрон пуллар деб аталса, иккинчи тури виртуал

пуллар деб юритилмоқда. Ҳар иккиси ҳам моддий кўринишга эга бўлмасдан ахборот шаклида компьютер қурилмаларида сақланади. Электрон пуллар Марказий банк томонидан муо-

малага киритилади ва расман амалдаги расмий валюта билан тенг кучли ҳисобланади.

Виртуал пулларни таснифлаганда, биринчи навбатда, виртуал пул схемалари компонентларига эътибор қаратиш лозим, хусусан улар қуйидаги 3 компонентдан иборат:

1. Виртуал пулни чиқариш ва қайтариб олиш;

2. Пулдан фойдаланиш ва айланиши бўйича ички тартибни жорий қилиш ва қўллаш механизми;

3. Тўлов ва ҳисоб-китоб жараёни.

Ҳар бир операция ишончли марказий бўғин томонидан ёки марказлашмаган тарзда иштирокчилар томонидан бошқарилиши мумкин. Гибрид схемалар ҳам мавжуд бўлиб, унда марказий масъул бўғин баъзи функцияларни бажаради, қолганлари эса бозор иштирокчилари орасида тақсимланади<sup>1</sup>.

Умумий қилиб айтганда, пулларнинг янги авлоди бўлиши тахмин қилинаётган криптовалюта бу криптанган, марказлашмаган ва томонлар ўртасида алмашинадиган ҳамда «майнинг» деб аталадиган услул орқали оммавий китобда тасдиқланадиган рақамли валюта ҳисобланади. Майнинг махсус дастурий таъминотга эга бўлган компьютер қурилмалари воситасида бир қатор математик усуллар орқали транзакцияларнинг ҳаққонийлиги ва бетакоррлигини тасдиқлаш жараёнидир. Оммавий китоб эса

криптовалюта яратилишидан бошлаб барча тасдиқланган транзакцияларгача сақланадиган Бош китобдир. Яратилиши ва транзакциялар криптография тизими орқали назорат қилиниши боис бу пул маблағлари криптовалюта деб аталади. У моддий кўринишга эга бўлмайдиган, фақатгина рақамли шаклда рақамли ҳамёнларда сақланади ҳамда рақамли ҳамёнлар ўртасида айирбошланади. У псевдонимликка асосланганлиги боис барча транзакцияларни оммага ошкор қилиш имконини беради.

Электрон пуллар айланмасини ташкил қилиш ва тартибга солишнинг иқтисодий-меъёрий

асосларини ўрганиш, фаолиятини самарали ташкил этишга оид муаммолар кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, Н. Гандал ва Х. Халабурда ҳаммуаллифлигида чоп этилган<sup>2</sup> «Криптовалюта бозорида рақобатнинг хусусиятлари» мавзусида ёзилган илмий ишда Электрон пуллар айланмасини ташкил қилишнинг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, мазкур мавзуга оид илмий изланишлар хорижлик олимлар Р. Али, Ж. Бардер ва б.<sup>3</sup>, С. Вилкинс<sup>4</sup> ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган бўлиб, уларнинг барчаси банкларнинг молия бозоридаги иштирокини



*«Биткоин» (инглизча bit – маълумот бирлиги ва coin – танга деган маъноларни англатади) бу пиринг (икки алоқа қатнашчилари орасида воситачисиз боғланиш) кўринишидаги электрон тўлов тизими ҳисобланади.*

<sup>1</sup> Virtual Currencies and Beyond: Initial Considerations // IMF Staff Team, IMF Staff Discussion Note, January 2016.

<sup>2</sup> Gandal N., Hataburda H. Competition in the Cryptocurrency Market / Bank of Canada Working Paper 2014-33. - Bank of Canada, 2014. - P. 32.

<sup>3</sup> Ali R., Barrdear J., Clews R., Southgate J. The economics of digital currencies // Quarterly Bulletin 2014 Q3. - London: Bank of England, 2014. - P. 11.

<sup>4</sup> Wilkins C. Money in a digital world // BIS central bankers' speeches. Wilfrid Laurier University. - Waterloo, 2014. - P. 5 (7).

ошириш, брокерлик, дилерлик фаолиятларини ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтганлар.

«Биткоин» (инглизча bit – маълумот бирлиги ва coin – танга деган маъноларни англатади) бу пиринг (икки алоқа қатнашчилари орасида воситачисиз боғланиш) кўринишидаги электрон тўлов тизими ҳисобланади. Биткоин (биринчи ҳарфи катта ҳарф билан ёзилса одатда Биткоин тизими тушунилади) умуман олганда биткоинлар (бошидаги ҳарфи кичик биткоин дейилганда танга ёки биткоин бирлиги тушунилади) деб номланувчи виртуал валюталар тизимидир. Унинг тўлиқ таърифи ҳозирча мунозарали бўлиб қолмоқда, масалан, айрим мутахассислар уни «рақамли валюта»<sup>5</sup> деб характерлаган бўлса, расмий ҳужжатларда асосан Жаҳон Банки ёки Европа Марказий банки томонидан «виртуал валюта»<sup>6</sup> деб изоҳланади. Шу билан бирга, АҚШ Молия

вазирлиги қошидаги ФинСЕН (FinCEN) ташкилоти Биткоинни «марказлашмаган виртуал валюта»<sup>7</sup> сифатида таърифлайди. Демак, Биткоинни марказий бошқарув ёки назоратга эга бўлмаган, криптографик электрон рақамли валюта сифатида кўришимиз мумкин.

Криптовалюталарнинг тури кўп бўлиб, уларнинг аксарияти 2009 йилда муомалага киритилган Bitcoin криптовалюта тизими механизми асосида ёки бироз ўзгартирилган механизмда ишлайди. Bitcoin криптовалюта валюта бозорининг қарийб 60 фоизидан ортиқ қисмини эгаллагани ва энг оммалашгани боис, куйида Bitcoin тизими билан танишиб чиқамиз.

Bitcoinда тизимнинг ишлаш жараёни куйидаги босқичларда амалга ошади:

1. Янги транзакция барча иштирокчиларга эълон қилинади.
2. Ҳар бир иштирокчи янги транзакцияларни блокка йиғади. У Blockchain деб аталиб,

Бош китоб (Ledger) вазифасини бажаради.


3. Ҳар бир иштирокчи ўз блокида қийин proof-of-work математик амалиёти ечимини излайди.

4. Иштирокчи ечимни топиши биланоқ уни қолган иштирокчиларга эълон қилади.

5. Қолган иштирокчилар ушбу ечимни ундаги барча транзакциялар ҳаққоний ва илгари фойдаланилмаган бўлсагина қабул қиладилар<sup>8</sup>.

Чизмада Bitcoin тизими ва амалдаги марказлашган тўлов тизимининг фарқларини кўриш мумкин.

Ушбу чизма маълумотларидан ҳам кўриш мумкинки, Марказлашган тўлов тизимида тизим Марказий банк томонидан тижорат банклари орқали бошқарилади. Унда Марказий банкнинг асосий роли тўловларнинг ҳаққонийлиги ва бетакрорлигини таъминлашдан иборат. Марказлашмаган (тақсимланган китоб) тизимда эса бундай марка-



Манба: [www.bitcoin.org](http://www.bitcoin.org).

<sup>5</sup> Virtual Currencies and Beyond: Initial Considerations // IMF Staff Team, IMF Staff Discussion Note, January 2016.

<sup>6</sup> Virtual Currencies and Beyond: Initial Considerations // IMF Staff Team, IMF Staff Discussion Note, January 2016.

<sup>7</sup> [www.bitcoin.org](http://www.bitcoin.org).

<sup>8</sup> [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org).

Жадвал

## Криптовалюталарнинг бозор қиймати (01.01.2019 й. ҳолатига)

№	Криптовалюта	Бозордаги жами қиймати (млрд. АҚШ доллари)	Нархи (АҚШ доллари)	Муомаладаги сони
1	Bitcoin	285,3	17044,1	16 736 037
2	Ethereum	50,6	526,0	96 289 721
3	Bitcoin Cash	24,3	1442,5	16 851 100
4	Ripple	10,4	0,27	38 739 144 847
5	Monero	4,4	288,67	15 449 232
6	EOS	2,5	4,81	532 839 916
7	BitConnect	1,8	381,5	4 779 572
8	Populous	1,5	37,3	41 252 246
9	Waves	1,2	12,3	100 000 000
10	Qtum	1,0	13,6	73 696 328
...	...	...	...	...
1343	Swisscoin	0,0	-	-
	<b>Жами:</b>	<b>465,2</b>	-	-

Манба: [www.ecb.europa.eu](http://www.ecb.europa.eu).

зий бўғинга эҳтиёж йўқ. Чунки тўловлар бўйича маълумотлар (Ledger) тизимнинг барча иштирокчиларида мавжуд бўлиб, улар ошкора ҳисобланади ва тизим иштирокчилари томонидан тасдиқланади.

Криптовалюталарни криптовалюта алмаштирувчи махсус интернет шохобчаларидан сотиб олиш мумкин. Масалан, Bitfinex, Bithumb, GDAX, bitFlyer, Bitstamp, Bittrex, Gemini, HitBTC, Poloniex, Kraken кабилар. Бунинг учун биринчи навбатда ушбу интернет шохобчаларда одатий валютада рақамли ҳамён очилади ва банк картангиздан ёки ҳисобрақамингиздан маблағ кўчирилади. Ундан сўнг ушбу маблағ эвазига криптовалютада очилган ҳамёнга криптовалюта олиш мумкин бўлади. Бу криптовалюталарни кейинчалик бу ёки бошқа бозорларда бошқа криптовалюталарга ёки бирор одатий валюталарга айирбошлаш ҳамда интернет-дўконлардан ёки интернет-тў-

ловларни қабул қилувчилардан маҳсулот сотиб олиш мумкин<sup>9</sup>.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 01.01.2019 й. ҳолатига савдода криптовалюталарнинг 1343 тури мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қиймати 465,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Криптовалюталарнинг афзалликлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

- ягона марказий бошқарувдан холи;

- пул яратишда тенглик таъминланган;

- транзакциялар криптография орқали тасдиқлангани боис учинчи ишончли тараф иштирокисиз тўғридан-тўғри амалга оширилади;

- иштирокчилар ҳар бир транзакциядан хабардор бўлиб туради (Blockchain);

- аноним, аниқроғи «тахаллус» (псевдоним) остида иштирок этилади;

- транзакцион тезкор ва харажатлар паст;

- чегара билмас тўловлар амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда криптовалюталар баъзи камчиликлардан ҳам холи эмас:

- ◆ ноқонуний савдога йўл очилади;

- ◆ валюта курси юқори тебранувчан;

- ◆ солиқдан қочиш имкони туғилади;

- ◆ нопок иштирокчилар ёки етарлича компетенцияга эга бўлмаган иштирокчиларни аниқлашнинг имкони йўқ;

- ◆ истемолчи ва инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси таъминланмаган;

- ◆ агар иқтисодиётда муаммолар юзага келса, давлат ушбу муаммоларни ҳал этишда пул муомаласини тартибга солиш воситасидан фойдалана олмайди;

- ◆ қарз берувчи сўнги инстанциянинг йўқлиги.

Ўзбекистонда ҳам электрон пуллар муомаласини ташкил этиш ва тартибга солишга эътибор берилма бошланди. Хусусан,

<sup>9</sup> [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org).



бу борадаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 01 ноябрдаги «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сонли Қонунига кўра тартибга солиниб, мазкур қонун 2020 йил февралдан кучга кириши белгилаб қўйилган<sup>10</sup>.

Мазкур Қонунга кўра, электрон пуллар фақат миллий валюта – сўмда номиналлаштирилган бўлиши керак. Марказий банк ва банклар (эмитентлар) уларни номинал қийматига тенг бўлган пул маблағлари суммасига алмаштиришга чиқаради. Жисмоний ва юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва электрон пуллар тизими агентлари электрон пулларнинг эгалари бўлиши мумкин. Жисмоний шахслар электрон пулларни тўғридан-тўғри эмитентдан ёки электрон пуллар тизимининг оператори ёхуд агенти орқали оладилар.

Ўзбекистонда реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўловларни

тўлашда фақат шу ерда чиқарилган электрон пуллар қабул қилиниши мумкин. Тизим эмитенти ва (ёки) оператори электрон пуллар эгасини: шахсан ҳозирлигида ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда ёхуд масофавий идентификация қилиш тизимларидан фойдаланган ҳолда идентификация қилишни амалга оширади. Идентификация қилинмаган жисмоний шахслар битта электрон курилмада энг кўпи билан 5 БҲМни (эълон қилиш санасида – 1 115,0 минг сўм) сақлашлари ва 1 БҲМ (223,0 минг сўм) суммаси миқдоридан операцияни амалга оширишлари мумкин. Идентификация қилинган жисмоний шахсларга электрон пуллар билан амалга ошириладиган операцияларга 100 БҲМ (22 300,0 минг сўм) миқдоридан лимит белгиланган<sup>11</sup>.

Янги қонун крипто-активларга доир операцияларга (қиймати ва эгасига эга блокчейндаги ёзувлар жами) нисбатан татбиқ этилмайди. Мазкур масала бў-

йича алоҳида норматив база шакллантирилмоқда, ҳозирча у Президентнинг иккита қарорини (2018 йил 03 июлдаги ПҚ-3832-сон; 2018 йил 02 сентябрдаги ПҚ-3926-сон қарорлар) ва Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни ўз ичига олган.


Ҳужжатда тўлов хизматлари етказиб берувчилари – МБ, банклар, тўлов ташкилотлари, агентлари ва субагентларига нисбатан санкциялар белгиланган:

- тўловларни амалга ошириш муддатлари бузилган тақдирда, у муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,1%и миқдоридан, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 10%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши шарт;

- тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у хато аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай пул маблағларини олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт, акс ҳол-

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 01 ноябрдаги «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сонли Қонуни.

<sup>11</sup> Шу жойда.



да тўловчи маблағларни қайтаришни, шунингдек мuddати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган тўлов суммасининг 0,1% миқдорида, бироқ тўлов суммасининг 10%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Хулоса қилиб айтганда, электрон пулларнинг, хусусан, биткоинларнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиш мумкин:

- ❖ улар электрон шифрлаш йўли билан яратиладиган ва расмий пул тизимлари билан параллел равишда амал қиладиган тўлов воситалари ҳисобланади;

- ❖ янги пулларни яратиш борган сари мураккаблашади ва бугунги кунда ҳатто компьютерни генерациялаш жараёнида сарфлаган электр қувватини ҳам оқлай олмайди;

- ❖ электрон пулларнинг курси кучли тебранишга эга бўлади, бунга сабаб валютанинг барқарорлигини қўллаб-қувватловчи махсус идоранинг йўқлиги ва бозор омилларига мутлақ боғлиқлиги билан бирга чекланган миқдорда чиқарилиши ҳисобланади;

- ❖ бугунги кунда электрон пуллар билан транзакцияларга хизмат кўрсатувчи юқори даражада ривожланган инфратузил-

ма мавжуд бўлиб, унда турли хилдаги электрон биржалар, тўловни амалга ошириш усуллари ва тизимлари шаклланган. Бундан ташқари, уларнинг айрим давлатлар томонидан тан олинishi, ҳар хил лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиши, аҳоли орасида оммавийлашиши бундан кейинги ривожланиш учун заминни мустаҳкамламоқда.

## ABSTRACTS

### ORGANIZATION AND REGULATION OF ELECTRONIC MONEY CIRCULATION IN UZBEKISTAN

According to the author of the article, the cryptocurrency, which is supposed to be a new generation of money, is a digital currency that is cryptographic, decentralized and interchangeable between the parties and confirmed in the public book by a method called "mining". The article deals with issues related to the circulation of electronic money in the economy.

*Марказий банк ва банклар (эмитентлар) уларни номинал қийматига тенг бўлган пул маблағлари суммасига алмаштиришга чиқаради. Жисмоний ва юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва электрон пуллар тизими агентлари электрон пулларнинг эгалари бўлиши мумкин. Жисмоний шахслар электрон пулларни тўғридан-тўғри эмитентдан ёки электрон пуллар тизимининг оператори ёхуд агенти орқали оладилар.*

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ – НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА НОРАСМИЙ БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

*Янги технологиялар келажакда меҳнатни ҳаракатга солувчи энг асосий кучлардан бири бўлиб, улар шиддат билан ўзгармоқда ва бу ҳолат нафақат одамларнинг қандай ишлаши, балки ишнинг хусусияти ва ҳатто унинг мақсадини ўзгартирмоқда. Сўнги ўн йилликларда дунё компьютерларнинг пайдо бўлиши ва ундан кейин ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) эволюцияси, сўнг мобиль ва смартфонлар, ундан кейин технологияларнинг автоматлаштирилиши соҳасидаги инқилобларга гувоҳ бўлди. Албатта, турли мамлакатлар ёки минтақаларнинг ушбу инновацияларни қандай жорий этишида кескин тафовутлар мавжуд.*

**Бехзод Тагаев,**

*и.ф.н., Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази*

**Р**ақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозорига таъсирини ўрганиш ва бунда тўртинчи sanoat инқилоби (The Fourth Industrial Revolution)нинг тугган ўрни катта аҳамиятга эга. Маълумки, биринчи sanoat инқилоби – бу буғ двигатели, иккинчиси – электрлаштириш ва оммавий ишлаб чиқариш, учинчиси – компьютер ва тўртинчиси «Sanoat 4.0» – ахборот технологияларидан иборат бўлган рақамли инқилоб, киберфизик тизимларни ишлаб чиқариш – sanoatга оммавий киритиш ёки, бошқача айтганда, оммавий тарзда қўл меҳнатидан машинага ўтишни билдиради. Ҳар

қандай технологик ўзгаришлар каби тарихдаги ушбу технологик ишланмалар меҳнат бозорларига катта таъсир этади<sup>1</sup>. Бугун но-расмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтишни соддалаштириш ва енгиллаштириш учун янги технологиялардан фойдаланишни қўллаб-қувватловчи ҳукуматлар сони ошмоқда.

2020 йил Ўзбекистонда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб номланиши ва унда мўлжалланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга оид Давлат дастурида «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастури лойиҳаси ишлаб чиқиши ҳамда унда «Электрон ҳукумат» тизими ривожлантирилиши доирасида, хусусан ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш; давлат хизматларини рақамли шаклга транс-

формация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш; давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш масалалари белгиланган.

Шуни айтиш жозки, рақамли иқтисодиёт концепцияси XX асрнинг охириги ўн йиллигида, яъни 1995 йилда америкалик олим Николас Негропонт (Массачусетс университети) «рақамли иқтисодиёт» атамасини кундалик ҳаётга киритиши билан пайдо бўлди ва бу атама энди бутун дунёда турли соҳа мутахассислари томонидан кенг қўлланила бошланди. У атомни қайта ишладан битни қайта ишлашга ўтиш учун метафора ишлатиб, бу «жисмоний» тусдаги классик товарларнинг етишмаслиги (оғирлик, хомашё, транспорт) ва янги иқтисодиётнинг афзалликлари (товарларда оғирлик йўқ-

<sup>1</sup> Hart, K. 2000. *The memory bank. Money in an unequal world.* (London, Profile books).

лиги, виртуаллик, хомашёнинг деярли керакисизлиги, товарнинг лаҳза ичида глобал кўчишини таъкилайди. Ўтган йили Жаҳон банкининг асосий ҳисоботларидан бири дунёда рақамли иқтисодиётнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган (ҳисобот «Рақамли дивидендлар» деб номланади).

Бироқ илмий адабиётларда ҳозирги кунга қадар ушбу тушунчани изоҳловчи ягона бир таъриф мавжуд эмас. Бунда аввалига одатдаги «анъанавий» иқтисодиёт тушунчасини эсга олиш керак – бу жамиятнинг ҳўжалик юритиш фаолияти, шунингдек ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда шаклландиган муносабатлар йиғиндиси дир. Компьютер, интернет, мобиль телефонлардан фойдаланишни аллақачон «истеъмол» деб ҳисоблаш мумкин, бу ҳолда рақамли иқтисодиётни интернет, мобиль алоқа, АКТ воситачилик қиладиган иқтисодий муносабатларнинг бир қисми сифатида ифодалаш мумкин. Замонавий бизнес ҳамжамиятида рақамли иқтисодиёт деганда одатдаги ҳўжалик алоқалари ва мавжуд бизнес-моделларни тўлиқ қайта ўзгартирадиган жадал ривожланаётган иқтисодиёт соҳаси тушунилади.

Масалан, Жаҳон банкининг таърифига кўра, умумий маънода рақамли иқтисодиёт рақамли АКТдан фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар тизимидир<sup>2</sup>. Boston Consulting Group маслаҳатчилари эса рақамли иқтисодиёт – бу онлайн-алоқа ва инновацион рақамли техноло-

гиялардан иқтисодий тизимнинг барча иштирокчилари – айрим одамлардан тортиб йирик компаниялар ва давлатлар томонидан фойдаланишлари, деб ҳисоблашади<sup>3</sup>.

Иқтисодиётнинг рақамли сегменти мавзуси иқтисодиётда ва жамиятда юз берган сифатли ўзгаришлар туфайли долзарб бўлиб, янги технологиялар ва платформалар корхона менежменти ва жисмоний шахсларга ўзаро таъсирларнинг транзакцион харажатларини камайтириш ҳамда янада кенг кўламли тадбиркорлик субъектлари ва давлат идоралари билан яқин алоқани амалга ошириш имконини беради. Натижада тармоқ хизматлари рақамли ёки электрон шаклга асосланган иқтисодиёт шаклланади.

Рақамли иқтисодиёт кенгайишига асосий сабаб транзакция сегменти ўсиши ҳисобланиб, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг 70 фоиздан ортигини ташкил этган. Ушбу сектор давлат бошқаруви, консалтинг ва ахборот хизматлари, молия, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек турли хил коммунал хизматлар, шахсий ва ижтимоий

хизматларни ўз ичига олади. Турли ҳисоб-китобларга кўра, рақамли иқтисодиёт турли соҳаларнинг 50 фоиздан ортиғи учун улкан ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бунинг сабаби, ахборот технологиялари ва платформалари бизнес-моделларни тубдан ўзгартириш, воситачиларни олиб ташлаш ва оптималлаштириш орқали уларнинг самарадорлигини оширади.

Рақамли иқтисодиётда тадбиркорлик ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш учун янги имкониятлар жадал кенгайиб боради. Кўп ҳолларда АКТни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар иқтисодий ўсиш кўринишида дивидендлар олиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли ва бизнес учун янги хизмат турларининг пайдо бўлиши, электрон ҳукумат лойиҳалари доирасида давлат бошқаруви харажатларини қисқартириш имконини беради. Горизонтал тармоқларнинг иерархик тармоқларга нисбатан ўзаро муносабатларининг афзалликлари – бу доимо алмашинув тезлиги ва хилма-хиллигига боғлиқ бўлган янги иқтисодий ўсиш асосидир.

*Биринчи саноат инқилоби – бу буғ двигатели, иккинчиси – электрлаштириш ва оммавий ишлаб чиқариш, учинчиси – компьютер ва тўртинчиси «Саноат 4.0» – ахборот технологияларидан иборат бўлган рақамли инқилоб, киберфизик тизимларни ишлаб чиқариш – саноатга оммавий киритиш ёки бошқача айтганда, оммавий тарзда кўл меҳнатидан машинага ўтишни билдиради.*

<sup>2</sup> Ефимушкин В.А., Ледовских Т.В., Щербакова Е.Н. Инфокоммуникационное технологическое пространство цифровой экономики // Телекоммуникации и транспорт. 2017. Том 11. №5. – С. 15-20.

<sup>3</sup> Цифровизация экономики (обзор) // БИТ. 2018. №4 (77).

Нобель мукофоти лауреати О. Вильямсоннинг сўзларига кўра, пост-индустриал иқтисодиёт ўзини горизонтал (иерархик бўлмаган) тармоқлар ҳамкорлиги кўринишида куради, улар кескин вертикал иерархияларга қараганда ўз конфигурациясига кўра анча мослашувчан ва шу билан бирга атомистик бозорларга қараганда кўпроқ интеграциялашган<sup>4</sup>.

Рақамли иқтисодиёт рақамлаштириш асосида шаклланиди ва ўзига хос хусусиятларга эга ва қуйидагилардан ташкил топади:

- шахснинг ўз шахсий контентини яратиши ва назорат қилишдаги устувор роли (ўсиш омиллари – бу билим ва шу илмга эга бўлган одамлар);
- меҳнат предмети – ахборот – фаол роль ўйнайди ва реал секторда у пассивдир;
- асосан иқтисодий агентларнинг алоқа тармоқлари эканлиги;
- интеграциялашган рақамли платформалар экотизим

ва бизнес трансформациясининг асоси бўлиб хизмат қилади;

- сунъий интеллект – турли хил ишлаб чиқариш воситаси ва сунъий интеллект – турли хил ишлаб чиқариш ва саноат муносабатларининг деярли чексиз комбинацияси сифатида.

Янги укладли иқтисодиёт – ахборотли жамият ривожланишининг махсули бўлиб, сўнгги 30 йил ичида у уч босқичдан ўтди:


- ◆ 1990 йил – рақамли иқтисодиётнинг асосига айланган ишлаб чиқариш ва бошқарувдаги сифат жиҳатдан силжишлар билан боғлиқ бўлган Интернетнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
- ◆ 2000 йилларнинг бошлари – рақамли иқтисодиёт Интернетга асосланган бизнес фаолияти сифатида кўрилган (электрон тижорат, шу жумладан рақамли контентли савдо);
- ◆ 2010 йил – рақамли иқтисодиёт АКТ ривожланиши ва корхоналарнинг бизнес-жараёнлари ва хўжалик юритиш

тизимда ўзгаришлар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, рақамли датчикларни жорий этиш билан биргалликда кўриб чиқиладиган бошланди.

ХМТнинг 2016 йилдаги «Дунё бўйлаб ностандарт бандлик: муаммоларни тушуниш, шакллантириш истиқболлари» номли тадқиқотида янги технологиялар ва норасмийлик ўртасидаги боғлиқликнинг турли хил истиқболлари ўрганилган. Баъзи тадқиқотлар эса норасмийликнинг янги шакллари пайдо бўлиши, хусусан, ностандарт иш шакллари пайдо бўлишига бағишланган<sup>5</sup>. Бошқалар эса норасмий сектор бирликларининг ўз бизнеси ёки фаолиятига янги технологияларни жорий этиш жараёнлари ва қийинчиликларига эътибор қаратадилар<sup>6</sup>. Баъзилар эса технологиянинг самардорликка ва норасмийликка таъсирини таҳлил қиладилар<sup>7</sup>.

Технология норасмийликка ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, унумдорлик ва иқтисодий тузилиш даромадларни тақсимлаш ва меҳнат фаолияти натижаларига, шу жумладан норасмийликка таъсир қилади. Технология эса иқтисодий бирликлар ўртасидаги тафовулар ошиши ҳисобига, айниқса технологияларга эга бўлиш имконияти тенг бўлмаган тақдирда ёки норасмийлик юқори бўлган ишнинг янги шакллари жорий қилиш орқали норасмийликни ошириши мумкин.

Сўнгги ўн йилликларда ХМТ дунё бўйлаб расмий секторга ўтиш учун мақсадли сиёсатни



<sup>4</sup> Смородинская Н.Ф. Усложнение организации экономических систем в условиях нелинейного развития. Вестник ИЭ РАН. №5. 2017. – С. 104–115.

<sup>5</sup> Non-standard employment around the world: Understanding challenges, shaping prospects (Geneva).

<sup>7</sup> Chen, M.A. 2016. «Technology, informal workers and cities: insights from Ahmedabad (India), Durban (South Africa) and Lima (Peru)», in *Environment and Urbanization*, Vol. 28, No. 2, pp. 405–422. <http://journals.sagepub.com/doi/full/10.1177/0956247816655986>.

## Расмийликка ўтишда фойдаланиладиган асосий стратегиялар

Унумдорлик

Қулай муҳит яратиш учун макро сиёсат.  
Тармоқ ва тизим даражасида мезо сиёсат.  
Микро – фирма – даражасида аралашув.

Қоидалар

Ахборотга ўқитиш.  
Тартиб-қоидаларни энгиллаштириш.  
Ижтимоий мулоқот орқали такомиллаштириш.

Рағбатлар

Молиявий субсидиялар.  
Солиқ чеғирмалари.  
Ижтимоий хавфсизлик қамрови.  
Давлат хизматларидан эркин фойдаланиш.

Мажбурий ижро

Маданиятга мувофиқлиги.  
Автоматизация / Малака ошириш.  
Махсус режимлар.

**Манба:** *New technologies and the transition to formality: The trend towards e-formality. Employment Policy Department. Working Paper No. 247. 2018.*

олиб бораётган мамлакатларнинг кўпайиб бораётганини ва ушбу сиёсат иқтисодий ўсиш ва таркибий ўзгариш жараёнлари билан бир қаторда баъзи минтақаларда ёки мамлакатларда норасмийликни камайтиришга ёрдам берганлигини тасдиқлади<sup>8</sup>.

Амалиётда дунё мамлакатлари расмийлаштиришга ўтишнинг турли йўллари, асосан иқтисодий унумдорликни ошириш<sup>9</sup>, меъёрлар ёки қоидаларни такомиллаштириш; рағбатлантирувчи имтиёزلарни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; ҳуқуқ тизимларини такомиллаштириш ва қўллаш воситаларини ўрганишган (1-чизма).

**Унумдорлик.** Мамлакатлар учта асосий иқтисодий: макроиқтисодий, мезоиқтисодий ва микроиқтисодий даражада ишлайдилар. Биринчидан, макроиқтисодий даражада норасмийликнинг камайиши юқори ўсиш даврида ва корхоналар учун расмий иш ўринларини яратишга барқарор

қулай шароитлар мавжуд бўлганда рўй берган.

**Қоидалар.** Бунда турли хил кўшимча соҳаларда ташаббуслар мавжуд бўлиб, асосий мақсад иш берувчи, ишчилар ва кенг жамоатчиликнинг ахборот кўлами, сифатини ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхшилаш ҳисобланади. Шунингдек, бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки процедураларни мослаштириш ёки соддалаштириш одатда солиқ декларацияси, меҳнат тартиби, аъзолик ва ижтимоий таъминотга кўшилиш ва бадали, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ёки процедураларни бирлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

**Рағбатлар.** Улар турига қараб фарқ қилади ва баъзилари солиққа тортиш билан боғлиқ бўлиб, асосан кичик ҳамда микроиқтисодий бирликлар ва баъзида ишчиларнинг ўз маблағла-

ри ҳисобига амалга оширилади. Масалан, Аргентина, Бразилия ва Уругвай – солиқ имтиёзларини ижтимоий таъминот билан боғлаган ҳолда турли тўловларни ягона солиққа бирлаштирган. Ушбу тизимлар, биринчи навбатда, даромадларни кўпайтириш воситаси сифатида эмас, балки ишчилар ва иқтисодий бирликларнинг кенг секторини ўзларининг норасмий иқтисодий фаолиятини амалга оширишларини расмийлаштиришга ўтиш ёки киритиш механизмлари сифатида кўриб чиқилиши керак.

Баъзи ҳолларда давлат хизматларидан фойдаланиш рағбатлантирувчи омил бўлиши мумкин, масалан, микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарни давлат харидларига жалб қилиш норасмий ишчилар ва иқтисодий бирликлар фаолиятини расмийлаштирилади.

**Мажбурий ижро.** Турли мамлакатлар давлатнинг барча аҳолига хизмат кўрсатиш ёки стан-

<sup>8</sup> Barrantes Cáceres, R.; Aguero, A.; Cavero, M.; Huaroto, C. 2012. «The impacts of the use of mobile telephone technology on the productivity of micro- and small enterprises: An exploratory study into the carpentry and cabinet making sector in Villa El Salvador», in *Information Technologies & International Development Journal*, Vol. 8, No. 4, pp. 77–94.

<sup>9</sup> Kanbur, R. 2017. «Informality: Causes, consequences and policy responses» in *Wiley Online Library, Special Issue Article (New York, Cornell University)*. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/epdf/10.1111/rode.12321>.

дартларга мувофиқлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтириш чораларини кўрган. Баъзи ҳолларда бу аҳолининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотни, масъул муассасаларнинг таркиби, сифати, шаффоқлиги ва жавобгарлигини кучайтиришни ёки жарималарни қўллаш ёки ходимлар ва иш берувчилар ўртасида битим ва келишувларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳужжатларни такомиллаштиришни талаб қилади.

БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Ишлар Департаменти (UNDESA) аъзо давлатларда электрон ҳукуматнинг ривожланиши ва унинг самарадорлигини ўлчашнинг индексини яратиш учун вақти-вақти билан тадқиқотлар олиб боради<sup>10</sup>. Унинг электрон ҳукуматнинг ривожланиши индекси учта субиндексни ўз ичига олади ва уларнинг ҳар бири электрон ҳукуматнинг асосий жиҳатларини баҳолайди:

■ Телекоммуникация инфратузилмасининг ривожланиш ҳолати.

■ Онлайн хизматлар ҳажми ва сифати.

■ Инсоннинг мавжуд капиталли.

*Иқтисодий бирликларни расмийлаштириш иқтисодий потенциалга, шунингдек, ҳукуматлар томонидан белгиланадиган рўйхатга олиш, тартиб-қоидалар, солиқ ва ҳоказоларга боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда турли муассасалар турли хил ортиқча талаблар ўрнатадилар ва аксарият ҳолда улар мувофиқлаштирилмайди.*

ность на период карантинных мероприятий. Также приняты меры по поддержке субъектов сферы туризма, оказывающих гостиничные услуги (услуги по размещению), АО «Uzbekistan Airways» и его структурных подразделений, АО «Uzbekistan Airports» и ГУП «Центр Узаэронавигация», а именно: освобождение от уплаты земельного и имущественного налога, снижение ставки социального налога до 1%<sup>6</sup>.

Таким образом, можно сделать вывод о том, что основные меры, принимаемые государствами во всем мире, направленные на поддержку предпринимательства, включают в себя:

1) поддержку малого и среднего бизнеса за счет предоставления отсрочек по уплате

<sup>5</sup> Мониторинг принятых государствами-членами ЕАЭС мер, направленных на преодоление негативных последствий распространения инфекции (COVID-2019), отчет комиссии ЕАЭС, 30.03.2020 г.

<sup>6</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №5978 от 03.04.2020 г. «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии».



Фото: УИА.



Фото: УИА.

налогов и льготного кредитования, так как данная категория бизнеса наиболее уязвима;

2) расширение использования механизмов финансирования через предоставление государственных гарантий субъектам предпринимательства;

3) помощь самозанятым и работающим родителям путем предоставления прямых выплат и пособий на уровне минимального прожиточного минимума;

4) расширение диапазона всевозможной отсрочки и снижения ставки по НДС и социальным отчислениям на определенный период времени;

5) отсрочки по социальным отчислениям в пользу заработной платы персонала, чья деятельность наиболее существенно пострадала от последствий коронавируса как физических, так и юридических лиц.

Однако в настоящее время в силу высокой степени неопределенности от последствий распространения коронавирусной инфекции многие страны не ограничены в увеличении фискальной поддержки посредством расширения кредитного финансирования, предоставления льгот, покрытия части расхо-

дов и др. инструментов государственного регулирования экономики.

#### ABSTRACTS

##### FISCAL MEASURES IN THE COUNTRIES OF THE WORLD UNDER CONDITIONS OF PRESSURE OF THE CONSEQUENCES OF THE CORONAVIRUS INFECTION PANDEMIC

In order to prevent dangerous consequences from the spread of COVID-19, more and more countries are introducing a state of emergency and tightening measures to strictly enforce quarantine and social distance rules. Under the current conditions, the state of uncertainty in the development of the world economy as a whole is growing. The author discusses the fiscal measures taken by the governments of countries, including Uzbekistan.

*Приняты меры по поддержке субъектов сферы туризма, оказывающих гостиничные услуги (услуги по размещению), АО «Uzbekistan Airways» и его структурных подразделений, АО «Uzbekistan Airports» и ГУП «Центр Узаэронавигация», а именно: освобождение от уплаты земельного и имущественного налога, снижение ставки социального налога до 1%.*

<sup>6</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №5978 от 03.04.2020 г. «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии».

# ШАФФОФЛИКНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ СЕКТОРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Олимжон Ғайбуллаев, Нуриддин Махмадиёров,**

*Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти «Бюджет ҳисоби, аудит ва молиявий назорат тизимини такомиллаштириш лойиҳаси» мутахассислари*

**Бугунги кунда аксарият давлатлар бюджет интизомини мустаҳкамлаш, давлат сектори фаолиятини такомиллаштириш, ҳисобдорликни янада ошириш ва коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида ҳукуматнинг фискал шаффофлигини оширишни қўллаб-қувватлайди.**

**М**амлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак» дея таъкидлайди. Коррупциянинг олдини олишда мамлакатимизда шаффофлик, ҳисобдорликни ошириш муҳим ўрин тутди. Давлат секториде коррупцияга қарши курашишни таъминлашда «Давлат секториде бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини (International public sector accounting standards (кейинги

ўринларда IPSAS деб номланади)) қабул қилиш асосий вазифалардан биридир.

IPSAS давлат сектори субъектларининг молиявий ҳисоботларини тайёрлашда фойдаланиш учун «Давлат секториде бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгаши» томонидан ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисоби стандартлари тўғрисида бўлиб, стандартларнинг мақсади ресурсларни тақсимлаш тўғрисидаги ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларни яхшироқ билишга, шаффофлик, ҳисобдорликни оширишга ва давлат сектори субъектлари томонидан тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг сифатини яхшилашга қаратилган<sup>1</sup>.

АҚШ давлат департаментининг 2018 йилдаги Фискал шаффофлик тўғрисидаги ҳисоботида Ўзбекистон фискал шаффофликнинг минимал талабларига жавоб бермайдиган давлатлар

рўйхатига киритилди ва фискал шаффофликни ошириш жараёнида бўлмаган устунда акс эттирилди. Ўзбекистон 2019 йилга келиб фискал шаффофликнинг минимал талабларига жавоб бермайдиган давлатлар рўйхатида қолди, аммо шаффофликни ошириш жараёнидаги устунда акс эттирилди<sup>2</sup>. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг натижасидир.

IPSAS стандартларини қабул қилиш иқтисодий ривожланиш ва фаровонликни қўллаб-қувватлайди<sup>3</sup>. Ўзбекистон IPSAS стандартларини қабул қилиш жараёнида бўлган давлатлардан биридир. Шу сабабли хорижий мамлакатларнинг IPSAS стандартларини қабул қилиш жараёнлари ва IPSASнинг афзалликларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил

<sup>1</sup> World Health Organization (2013). IPSAS benefits to who (<https://www.who.int/>).

<sup>2</sup> Fiscal Transparency Report (2018, 2019) (<https://www.state.gov/>).

<sup>3</sup> Gillian F. (2016). Bringing in IPSAS needs strong skills (<https://www.publicfinancefocus.org/>).

Жадвал

## Давлатларнинг IPSAS стандартларини қабул қилиш даражаси

Давлатлар	Даражаси	Давлатлар	Даражаси	Давлатлар	Даражаси
Австралия	0,5	Испания	0,5	Руанда	0,5
Арманистон	0,5	Исроил	0,5	Руминия	0,5
Доминик Республикаси	1	Кайман ороллари	1	Саудия Арабистони	0,5
Кувайт	0,5	Канада	0,5	Сенегал	0,5
Танзания	1	Кения	0,5	Сербия	0,5
Барбадос	1	Кипр	0,5	Сьерра Леоне	0,5
Бельгия	0,5	Колумбия	1	Сингапур	0,5
Бенин	0,5	Косово	0,5	Таиланд	0,5
Бирлашган Қироллик	0,5	Коста Рика	0,5	Того	0,5
Боливия	0,5	Қозғистон	1	Туркия	0,5
Босния ва Герцеговина	0,5	Латвия	0,5	Уганда	0,5
Ботсвана	0,5	Литва	0,5	Украина	0,5
Бразилия	0,5	Малайзия	0,5	Уругвай	0,5
Буркина-Фасо	0,5	Мексика	0,5	Фиджи	0,5
Венгрия	0,5	Мўғулистон	0,5	Филиппин	0,5
Гана	0,5	Непал	0,5	Ҳиндистон	0,5
Гватемала	0,5	Нигерия	1	Черногория	0,5
Гондурас	1	Норвегия	0,5	Чехия Республикаси	0,5
Жанубий Африка	0,5	Озарбайжон	0,5	Чили	1
Замбия	0,5	Панама	1	Швейцария	1
Зимбабве	0,5	Перу	1	Швеция	0,5
Индонезия	0,5	Покистон	0,5	Шри-Ланка	0,5
Иордания	0,5	Португалия	0,5	Эстония	1
Ирок	0,5	Россия	0,5	Янги Зеландия	1

**Изоҳ:** бу ерда: 1 – тўлиқ қабул қилган давлатлар, 0,5 – қисман қабул қилган давлатлар.

**Манба:** International Federation of Accountants, International Standards: 2019 Global Status Report (<https://www.ifac.org/>).

22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3917-сонли Қарорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бир ой муддатда бюджет ҳисоби тартибини IPSASга мослаштириш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган тадбирлар режасини тасдиқлаш кўзда тутилган. Шу муносабат билан Молия вазирлиги томонидан 2020-2030 йилларда Ўзбекистонни IPSASга мувофиқлаштириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган бўлиб, бунда IPSAS стандартларини

босқичма-босқич қабул қилиш чора-тадбирлари келтирилган.

Бугунги кунда 14 та давлат IPSAS стандартларини тўлиқ ва 70 дан ортиқ давлат эса қисман қабул қилган (1-жадвал). Айрим давлатлар IPSAS стандартларига яқин ҳисоблаш усулига асосланган стандартлардан фойдаланишди (масалан, Франция<sup>4</sup>).

Шунингдек, Германияда давлат молияси тизимида IPSASга ўтиш истаги билдирилмаган. Бунинг асосий сабаби, амалдаги тажрибалар ва жорий бюджет ҳужжатлари аллақачон юқори шаффофлик даражасига эга, деган хулосага келинган. Шу сабабли бухгалтерия ҳисобини

ўзгартириш зарурати йўқ, деган фикр билдирилган.

Янги Зеландияда ҳисоблаш усулига асосланган ўхшаш стандартлар қўлланганлиги учун IPSASни қабул қилишда ўтишнинг таъсири катта бўлмаган. Шунинг учун IPSAS билвосита миллий стандартлар орқали қабул қилинган. Янги Зеландия давлат секторидида 1980-йилларнинг охирида ҳисоблаш стандартларидан ва 2007 йилдан 2012 йилгача Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан (IFRS) фойдаланилган<sup>5</sup>.

Янги Зеландияда ҳисоблаш усули бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий прог-

<sup>4</sup> Sabrina, B. Loredana, C. & Guillaume, V. (2015). Analysis of Public Accounting Systems in the European Union, Vol. 6, No. 3.

<sup>5</sup> Fawzi, L. (2015). IPSAS or IFRS as the Framework for Public Sector Financial Reporting? New Zealand Preparers' Perspectives, Australian Accounting Review No. 73 Vol. 25 Issue 2.

нозлар ва мақсадлар, йиллик бюджетлар ҳамда молиявий ҳисоботларнинг барчаси бир хил асосда тайёрланишига, яъни нақд пулдан давлат бошқарувидаги ҳисоблаш усулига тўлиқ ўтилишига ёрдам берган. IPSASни қабул қилиш, уни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда молиявий ҳисобот бериш кўникмаларини ривожлантириш ходимларнинг молиявий билим ва тажрибаларига боғлиқ бўлиб, Янги Зеландия ва Австралия сингари давлатларда бир неча йиллар давомида ходимларнинг молиявий билимларини оширишга алоҳида эътибор берилган.

Янги Зеландия кўпроқ қарорлар қабул қилиш самарадорлигини ошириш, бошқа давлатлар билан таққослаш ва давлат ташкилотлари учун махсус ишлаб чиқилган стандартларни қўллаш орқали ошкораликни кучайтириш мақсадида IPSAS стандартларини қабул қилган. Paulsson (2006)<sup>6</sup>га кўра, ҳисоблаш усули (IPSAS) ҳукумат фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш воситасидир, шунинг учун у Янги Зеландия ва Австралия каби давлатлар томонидан қабул қилинган. Янги Зеландия Коррупцияни идрок қилиш индексида (Corruption Perception index (CPI))<sup>7</sup> ва Бюджет очиклиги индексида (Open budget index (OPI))<sup>8</sup> биринчи ўринни сақлаб туришида IFRS<sup>9</sup> ва IPSAS стандартларининг ўрни бор, десак янглишмаймиз.



Эстониянинг ҳисоблаш усулидаги бухгалтерия ҳисоби марказий даражада ҳам, маҳаллий даражада ҳам қўлланилади. Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади, бу ерда бухгалтерия тамойиллари тўлиқ ҳисоблаш усулига асосланади (марказий ва маҳаллий даражаларда)<sup>10</sup>. 2004 йилдан бошлаб давлат бошқаруви секторида IPSAS стандартларидан фойдаланишга ўтилди. Бу эса ички аудит учун етарли асосни ташкил этадиган активлар, мажбуриятлар, тўловлар ҳақида маълумот беради. Шаффофликни ва ҳисобдорликни ошириш мақсадида бухгалтерия ҳисоботлари ҳар ойда Молия вазирлиги сайтида эълон қилиб борилади.

Қозоғистон Республикасида IPSAS стандартлари тўғридан тўғри қабул қилинган бўлиб, бунда биринчи навбатда Марказий давлат органлари, Молия ва

зирлиги ходимлари, Ҳисобот қўмитаси вакиллари, Бухгалтерия хизматларининг раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ тузилган. Ислохотлар доирасида IPSASга ўтиш режаси ишлаб чиқилган ва унга мувофиқ ўтишдан олдин бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Биринчидан, бу давлат муассасаларининг бухгалтерия тизимида IPSASга мувофиқ ишлаб чиқилган янги меъёрий база, бухгалтерия сиёсати, бухгалтерия ҳисоби қоидалари, молиявий ҳисобот шаклларини яратишдан иборат эди. Иккинчидан, IPSASга ўтиш даврида бухгалтерия ходимларининг амалий тажрибаси ва тегишли кўникмалари йўқлиги сабабли ташқи ва ички аудиторлар учун IPSASни ўқитиш белгиланган<sup>11</sup>.

Тадқиқотчилар Қозоғистон Республикасида IPSAS стандартларини қабул қилиш масаласини SWOT (кучлилик, заифлик, қулай-

<sup>6</sup> Paulsson G. (2006) Accrual accounting in the public sector: Experiences from the central government in Sweden. *Financial Accounting & Management* 22(1): 47–62.

<sup>7</sup> <https://www.transparency.org/cpi2019/>.

<sup>8</sup> <https://www.internationalbudget.org/open-budget-survey/open-budget-index-rankings/>.

<sup>9</sup> Jude, E.and Felix, A. (2017). The Influence of IFRS Adoption on Corporate Transparency and Accountability: Evidence from New Zealand, *Australasian Accounting Business and Finance Journal*, 11(3), 3–19.

<sup>10</sup> Jude, E.and Felix, A. (2017). The Influence of IFRS Adoption on Corporate Transparency and Accountability: Evidence from New Zealand, *Australasian Accounting Business and Finance Journal*, 11(3), 3–19.

<sup>11</sup> Тулешова Г.К. и Алтаева Д.К. (2010). Исследование методов и разработка методических рекомендаций по организации и проведению контроля финансовой отчетности при переходе на МСФО, *Научно-исследовательская работа*.

лик ва рисклар) тахлили асосида кўриб чиқиб, бунда IPSAS стандартларини қабул қилишнинг кучлилиги давлат секторларининг молиявий очиклиги ва шаффофлигини оширади, пул маблағларини янада самарали тақсимлашни таъминлайди, шунингдек, заиф томонлари эса Давлат молиявий назорати органларида бухгалтерия тизимининг IFRS ва IPSASга ўтиш талабларига жавоб берадиган меъёрий ва услубий таъминоти йўқлиги, шунингдек, IPSASга ўтиш даврида бухгалтерия ходимларининг амалий тажрибаси ва тегишли кўникмаларининг мавжуд эмаслигидан иборат, деган фикрга келишди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси IPSASни қабул қилишнинг асосий афзалликларини қуйидагича баҳолайди:

1. Активлар ва пасивлар бўйича ички назорат ва шаффофликни яхшилайди.

2. Тўлиқ ҳисоблаш усулидаги ишончли, мустақил бухгалтерия стандартларини қўллаш орқали яхши бухгалтерия амалиётлари билан уйғунликни оширади.

3. Натижаларга асосланган бошқарувни қўллаб-қувватлайдиган харажатлар ҳақида батафсилроқ маълумот беради<sup>12</sup>.

Innocent, Susan ва Mustaphalarнинг (2018)<sup>13</sup> тадқиқот натижалари IPSAS стандартларини қабул қилишнинг ўзи бошқа

тартибга солувчи кучларсиз тўлиқ шаффофликни таъминлай олмаслигини, шунингдек, малакали кадрларнинг етишмаслиги, маълумот манбаларининг етарли эмаслиги ва мутахассисларнинг етарлича жалб қилинмаслиги Нигерияда IPSAS самардорлиги пасайишига олиб келишини кўрсатди. Либериянинг IPSAS стандартларидан фойдаланиши давлат маблағларидан фойдаланишда ошқоралик ва ҳисобдорлик даражасини ошириши, аммо давлат харажатлари ҳақида нотўғри маълумот бериш мамлакатда давлат маблағларининг шаффоф ва ҳисобдор тарзда бошқарилишини таъминлашга тўсқинлик қилиши айтилади<sup>14</sup>.

Имтиёзли сертификатланган бухгалтерлар уюшмаси<sup>15</sup> (ACCA – Association of Chartered Certified Accountants)га кўра, IPSAS стандартларини қабул қилиш:

1. Ҳисобдорлик ва шаффофликни оширади.

2. Молиявий қарорларни қабул қилишга ёрдам беради.

3. Молиявий ҳисобот ва аудит жараёнларининг самардорлиги ва натижадорлигини оширади.

4. Тўғри молиявий бошқарувни таъминлашга ва кенгрок иқтисодий ва ижтимоий афзалликларни яратишга ёрдам беради. Бу инвестицияларни жалб қилишда инвесторлар учун ишонч ва таққослаш имкониятини таъминлайди.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилиши мамлакатимизда IPSAS стандартларидан фойдаланиш шаффофлик ва ҳисобдорликни оширишга, коррупция ва шунга ўхшаш фирибгарликларнинг камайишига олиб келишини кўрсатади. IPSAS стандартларидан тўлақонли фойдаланишга ўтишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Ишчи гуруҳ тузиш (Ишчи гуруҳ бюджет тизимини, ҳисоблаш усулини (IPSAS) яхши тушунадиган тажрибали бухгалтер ва аудиторлардан иборат бўлиши керак);

2. IPSAS бўйича бухгалтерлар ва аудиторларни бошқичма-бошқич ўқитиш;

3. IPSAS методологияси бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқиш ва тегишли университет ва институтларнинг ўқув дастурига киритиш.

## ABSTRACTS

### ADVANTAGES OF INTERNATIONAL STANDARDS OF ACCOUNTING IN THE PUBLIC SECTOR IN INCREASING TRANSPARENCY

According to the author of this article, one of the main tasks in ensuring the fight against corruption in the public sector is the adoption of "International Public Sector Accounting Standards". IPSAS is a set of accounting standards developed by the Council for IPSAS for use in the preparation of financial statements of public sector entities, aimed at improving the quality transparency of financial statements.

<sup>12</sup> International Public Sector Accounting Standards (IPSAS) in your pocket (2019) (<https://www.iasplus.com/>).

<sup>13</sup> Innocent F. I., Susan, P. T. va Mustapha, T. A. (2018). International Public Sector Accounting Standard (IPSAS) in Nigeria as a Correlate to Transparency and Accountability, *Journal of Finance and Accounting*, 6(5): 110–116.

<sup>14</sup> Williams, A. and Hussein, S. (2019). Impact of IPSAS adoption on transparency and accountability in managing public funds in developing countries: Evidence from Liberia, *Journal of Accounting and Taxation*, Vol. 11(6), pp. 99–110.

<sup>15</sup> IPSAS implementation: current status and challenges, The Association of Chartered Certified Accountants, October 2017 (<https://www.accaglobal.com/>).

# АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИ ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



**Бекзод Дагаров,**  
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ  
«Ал-Хоразмий» филиали  
бошқарувчиси ўринбосари,  
Тошкент молия институти  
мустақил изланувчиси

Амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаларига қарамасдан «...аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти...»<sup>1</sup>. Ўтказилаётган ислохотлар натижасида мазкур муаммонинг ечими сифатида «йирик давлат кор-

**Бугунги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг мустақкам норматив-ҳуқуқий базаси ва ўзига хос миллий аудиторлик хизматлари бозори шакллантирилди, уни ривожлантириш учун таъсирчан иқтисодий омиллар ҳамда солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тизими жиддий равишда соддалаштирилди ҳамда эркинлаштирилди.**

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

хоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб қўйилди. Ўз навбатида, юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашда аудиторлик тегишувини ўтказишнинг амалий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш, айниқса, аудиторлик далилларини тўплашда илғор хориж тажрибаси ва дастурий воситалардан фойдаланиш, халқаро стандартлар асосида аудиторлик далилларини тўплашнинг энг самарали усулларида фойдаланиш каби масалалар яхлит тарзда батафсил ўрганилмаганлиги аудиторлик далилларини тўплаш жараёнини такомиллаштиришга оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Аудиторлик далилларини тўплаш ва улардан текширувларда фойдаланишнинг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича кўплаб хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улар жумласига А. Арэнс, Р. Адамс, М. Бенис, Р. Додж, Д.Р. Кармайкл, Дж. Лоббек ва Дж. Робертсонларни<sup>3</sup> кiritиш мумкин. Бу борада россиялик иқтисодчи олим Н.П. Камышанов «Аудитор текширув жараёнида бошқаруving турли даражаси бўйича бизнеснинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида, молиявий ташкилотлар, солиқ бюджетдан ташқари тўловлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳамда бюд-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сонли Қарори. <http://lex.uz/docs/3914502>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сонли Фармони. <https://ngm.uz> интернет сайти.

<sup>3</sup> Арэнс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2013. – С. 560; Адамс Р. Основы аудита. Пер. с англ. / под ред. Я.В. Соколова. – М.: ЮНИТИ, 2015. – С. 398; Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Пер. с англ.: предисловие; Кармайкл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ. – М.: Аудит. ЮНИТИ, 1995. – С. 527; Робертсон Дж. Аудит / Пер. с англ. / Робертсон Дж. – М.: Контакт, 2004. – С. 196.

жет маблагларидан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳаққоний маълумотларга эга бўлиши керак»<sup>4</sup> дея таъкидлаган бўлса, яна бир иқтисодчи олим А.Д. Шереметнинг таърифига кўра «Аудиторлик далиллари аудитор томонидан аудиторлик текшируви жараёнида олинган, ушбу ахборотларни таҳлил қилиш натижасида аудитор фикрини ташкил қилиш учун асос бўлган ахборотлар ҳисобланади»<sup>5</sup>.

МДХ иқтисодчи олимларидан С.М. Бычкова ва Е.Ю. Итигиловаларнинг таъкидлашича: «Аудиторлик далиллари етарли ва мақсадга мувофиқ бўлиши муҳим ҳисобланади. Зеро, бу кўрсаткичлар кўлами аудит режаси ва аудиторлик текширувларининг суммасига ҳам таъсир қилади. Чунки аудиторлик далиллари етарли бўлиши аудит хулосасининг якуний шаклига бевосита боғлиқдир»<sup>6</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан бу масалалар яратилаётган дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар, шунингдек, эълон қилинаётган илмий мақола ва тезисларда қисман ўрганилган. Масалан, иқтисодчи олим Р.Д. Дусмуратов томонидан аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказиш назарий ҳамда услубий асосларининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Унинг фикрига кўра, «далил деганда бошқа фактнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки инкор қиладиган факт ёхуд мазкур факт ҳақидаги у ёки бу

даражадаги ишонччилик билан фикр шакллантиришга имкон берадиган муайян факт тўғрисида маълумотлар олиш жараёни тушунилади»<sup>7</sup>. Мамлакатимизнинг яна бир етакчи иқтисодчи олимларидан М.М. Тўлаходжаеванинг таъкидлашича, «аудиторлик далиллари релевант ва етарли бўлиши лозим. Исботнинг релевантлиги – муайян муаммони ечиш учун унинг муҳимлигидир, етарлилик эса ҳар бир аниқ ҳолатда, аудиторлик таваккалчилиги ва ички назорат тизимини баҳолаш асосида аниқланади. Қандай бўлмасин, аудитор ҳаққоний ва асосланган хулоса тайёрлаш учун керакли сифатдаги етарли даражада далиллар тўпланганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши лозим»<sup>8</sup>. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги тадқиқотларда мавзуга оид умумий қарашлар келтирилган бўлса-да, бироқ аудиторлик далилларининг моҳиятини очиб бериш ва уларни

тўплаш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти ва яхлит тизим сифатида тадқиқ қилинмаган. Бу ҳолат мазкур мавзуда комплекс илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Аудиторлик далилларини тўплаш ва улардан текширув жараёнида фойдаланиш масаласида халқаро стандартларда батафсил тўхталиб ўтилган. Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) (International Standards of Auditing – ISAS)да стандартлаш объекти сифатида V – «Аудиторлик далиллари» (500–599) номли махсус бўлим ажратилган. Ушбу бўлим 9та стандартни ўз ичига олади. Аудиторлик далилларини тўплаш ва улардан фойдаланиш жараёнида Ўзбекистон ва халқаро аудиторлик амалиётида амалда бўлган барча миллий ва аудитнинг халқаро стандартла-



<sup>4</sup> Камышанов П.И. *Практическое пособие по аудиту*. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С. 212.

<sup>5</sup> Шеремет А.Д., Суйц В.П. *Аудит*. – М.: ИНФРА-М, 2006. – С. 204.

<sup>6</sup> Бычкова С.М., Итигилова С.М. *Международные стандарты аудита: учебное пособие / под ред. Бычковой С.М.* – М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2008 г. – С. 232.

<sup>7</sup> Дусмуратов Р.Д. *Аудит асослари*. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2003 й. – 139-бет.

<sup>8</sup> *Аудит. 1-том. Тўлахўжаева М.М., Жўраев Т.И. ва Гулямова Ф.Г.нинг умумий таҳрири остида тайёрланган.* – Тошкент: ЎБАМА, 2004 й. – 181-бет.

ридан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида, мазкур стандартлар аудиторлик фаолиятининг халқаро амалиётда олинадиган далилларнинг етарлилик даражаси ва уларни тўплашга нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайди.

Халқаро амалиётда амалда бўлган 500-сонли «Аудиторлик далиллари» номли халқаро аудиторлик стандартида аудиторлик далилларига қуйидагича таъриф берилган: «Аудиторлик далили – аудиторлик фикри учун асос бўлган хулосаларга эришишда аудитор томонидан фойдаланилган маълумот. Аудиторлик далили молиявий ҳисоботлар учун асос бўлган бухгалтерия ёзувлари ва бошқа маълумотлардан ташкил топади»<sup>9</sup>.

Фикримизча, аудиторлик далиллари деганда аудиторлик текшируви жараёнида тўпланган, хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослиги ва молиявий ҳисоботининг ишончилиги бўйича аудиторнинг фикрини асословчи ахборотлар мажмуи тушунилади.

Ўтказилган изланишлар натижасида юқорида номлари келтирилган аудиторлик стандартлари ва илғор хориж тажрибасига мувофиқ аудиторлик далиллари қуйидаги усулларда тўпланиши

мақсадга мувофиқлиги тасдиқланди:

- а) фактларни тасдиқлаш йўли билан;
- б) ҳужжатлаштирилган фактларни аниқлаш йўли билан;
- в) махсус ўтказилган таҳлиллар орқали.

Амалдаги 500-сонли «Аудиторлик далиллари» номли халқаро аудит стандартига мувофиқ аудиторлик далиллари миқдор жиҳатдан етарли ва сифат жиҳатдан мос (ишончли) бўлиши талаб этилади. Демак, аудиторлик амалларининг етарлилиги аудиторлик ташкилотига фикр билдириш учун зарур бўлган аудиторлик далилларининг миқдорий ўлчамини (чегарасини) ифодалайди. Аудиторлик далилларининг мослиги аудиторлик ташкилотининг фикр билдиришида шундай далилларнинг аҳамияти ва ишончилигини (аниқлигини) билдирувчи аудиторлик далилларининг сифати даражасини ифодалайди. Бироқ мазкур талабни бажариш аудитор учун текширувнинг ҳар бир босқичида етарли бўлмоғи лозим ва ишончли ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улар асосида аудиторлик фикрини шакллантиришни талаб этади (2-жадвал).

Амалдаги халқаро аудит стандартлари ва ўқув адабиётларида аудиторлик далилларини тўплаш тартиби (кетма-кетлиги) умумий

ва мавҳум мазмунда баён этилган бўлиб, уларда келтирилган тартибларни амалиётда қўллаш самара бермайди, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, қўйилган мақсадга эришиш учун Аудиторлик далилларини қуйидаги кетма-кетликда тўплаш мақсадга мувофиқ:

- Аудиторлик далилларини тўплаш мақсадлари ва объектарини аниқлаштириш.

- Аудиторлик далилларини тўплаш жараёнида қўлланиладиган самарали амал (усул)ларни танлаш ва тўпланадиган далиллар ҳажминини аниқлаштириш.

- Далилларни тўплашда иштирок этувчи аудитор, ёрдамчи аудитор ва эксперт-мутахассисларга далилларни тўплаш вазифаларини тақсимлаш.

- Далилларни олишнинг ахборот манбаларини аниқлаштириш ва уларни туркумларга ажратиш.

- Аудиторлик далилларини олишда ички назорат risksи даражасини баҳолаш.

- Текширилаётган субъект фаолият хусусиятларига мувофиқ молиявий ҳисобот шаклларини тузиш, расмийлаштириш ва тақдим этиш шартларини баҳолаш.

- Аудиторлик фикри учун асос бўлувчи тўпланган далиллардан кўпи билан икки нусха олиш ва далиллар мазмунини таҳлил қилиш.

- Тўпланган далилларнинг етарлилиги ва сифатини баҳолаш ҳамда зарур бўлган қўшимча далилларни тўплаш.

- Тўпланган далилларни оралик ва умумий аудиторлик маълумотномаларида умумлаш-

## *Амалдаги 500-сонли «Аудиторлик далиллари» номли халқаро аудит стандартига мувофиқ аудиторлик далиллари миқдор жиҳатдан етарли ва сифат жиҳатдан мос (ишончли) бўлиши талаб этилади.*

<sup>9</sup> Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012 йил нашри. 1-қисм. 2-жилд. Тошкент: УБАМА, 2015 й. – 624–715-бетлар.

1-жадвал

**Аудиторлик далилларини тўплаш ва улардан текширувларда фойдаланиш бўйича аудиторлик стандартлари**

Аудитнинг халқаро стандартлари	Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти
АХС №500 – «Аудиторлик далиллари»	АМС №50 – «Аудиторлик далиллари»
АХС №510 – «Дастлабки аудит қелишувлари – бошланғич қолдиқлар»	АМС №3 – «Аудитни режалаштириш»
АМС №300 – «Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш»	
АХС №520 – «Таҳлилий амаллар»	АМС №13 – «Таҳлилий амаллар»
АХС №530 – «Аудиторлик танлови»	АМС №14 – «Аудиторлик танлови»
АХС №540 – «Ҳисоблаб чиқилган баҳолаш, шу жумладан, ҳаққоний қиймат бўйича ҳисоблаб чиқилган баҳолаш ва улар билан боғлиқ очиб бериладиган маълумотлар»	АМС №10 – «Молиявий ҳисобот таркибидаги бошқа ахборотлар»
АХС №550 – «Ўзаро боғлиқ томонлар»	АМС №11 – «Маълумотларни компьютерда ишлаш (МКИ) шароитида аудит ўтказиш»
	АМС №16 – «Эксперт ишидан фойдаланиш»
АХС №570 – «Фаолиятнинг узлуксизлиги»	АМС №56 – «Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ходисалар»
АХС №580 – «Ўзма баёнотлар»	
АХС №700 – «Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси»	АМС №0 – «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси»
	АМС №80 – «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи»

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

2-жадвал

**Аудиторлик текшируви босқичларида далилларни тўплаш жараёни**

Текширув босқичи номи	Далил тўплашда усуллар (амаллар)	Далилларни тўловчилар	Далиллар номи
Режалаштириш босқичи (дастлабки режалаштириш, аудиторлик умумий режасини тайёрлаш ва аудиторлик дастурини тузиш)	Кузатиш (танишув), суриштирув, ҳужжатлаштириш, тасдиқлаш ва бошқалар	Аудиторлик ташкилоти раҳбари, бош аудитор	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, хўжалик юритувчи субъект Устави, СТИР гувоҳномаси, статистика бошқармасидан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, банкларда очилган ҳисобрақамлар тўғрисидаги маълумотнома, юридик манзиллари тўғрисидаги маълумот, ҳамкорлар тўғрисидаги маълумот, аудиторлик ташкилотига ўзма хат, аудиторлик шартномаси, аудиторлик умумий режаси, аудиторлик дастури
Текшириш босқичи (Бухгалтерия ҳисоби объектлари ва молиявий ҳисобот шакллари бўйича)	Ҳужжатлаштириш, инвентаризация, баҳолаш, калькуляция, статистик таҳлил, тафтиш, ўзаро солиштириш ёки таққослаш, гипотеза ва прогнослаштириш, тестлаш ёки анкета саволномаларини ўтказиш, экспертиза, муқобил баланс тузиш, тизимли текшириш, кузатиш, ҳақиқий ҳолатни баҳолаш, тасдиқлаш, таҳлилий амаллар, сўров ва бошқалар	Бош аудитор, аудиторлар, эксперт-мутахассислар, ёрдамчи аудиторлар	Олди-сотди шартномаси, ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, лимит-забор карталари, юк хатлари (накладнойлар), ички юк хати, калькуляция ҳужжатлари, оғбор ҳисоботи, ишлаб чиқариш (цех) ҳисоботи, АВ1-АВ9 (НМА1-НМА9) шакллар, таъсис шартномалари, таъсисчилар йиғилиши баённомалари, акцияларни тарқатиш қайдномаси, журнал ордерлари, бош дафтар маълумотлари, меҳнат шартномаси, иш ҳақи тарқатиш (ҳисоблаш) қайдномалари, табель, нарядлар, айланма қайдномалар, инвентаризация далолатномаси, солиштириш-таққослаш қайдномалари, ички аудитнинг йиғма ҳисоботи, ички назорат ўтказиш режа-жадвали, касса кирим ордери, касса чиқим ордери, кассир ҳисоботи, касса дафтари, тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси, оралик аудиторлик маълумотномаси, ички назорат саволномалари, анкета-сўровномалар, тестлар, саволномалар ва бошқалар
Якуний босқич	Ҳужжатлаштириш, баҳолаш, ўзаро солиштириш ёки таққослаш, прогнослаштириш, муқобил баланс тузиш, ҳақиқий ҳолатни баҳолаш, тасдиқлаш ва бошқалар	Бош аудитор, аудиторлар ва эксперт мутахассислар	Молиявий ва статистик ҳисобот шакллари, умумий аудиторлик маълумотномаси, аудиторлик ҳисоботи, тақдимнома хат, текширув натижалари бўйича ўзма маълумотнома ва аудиторлик хулосаси

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

тириш ҳамда улардаги камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш.

● Тўпланган далиллар асосида аудиторлик фикри (аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси)ни шакллантириш.

Изланишлар натижасида ўтказилган аудиторлик текширувларида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан текшириладиган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ҳамда кўпинча аудиторлик ташкилотлари томонидан тўлиқ ўрганилмаслиги ҳолатлари кузатилади.

Фикримизча, аудиторлик текшируви жараёнида текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятидан текширув учун аҳамиятли бўлган далилларни тўлиқ ҳажмда олиш мақсадида 3-жадвалда келтирилган шакл ва мазмундаги «ҳужжатлар сўрови»ни жўнатиши ва текширув якунида мазкур «ҳужжатлар сўрови» билан тасдиқланган ҳолатда текширилган субъект раҳбариятига қайтарилишини таъминлаши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Изланишлар натижасида Аудиторлик далилларини тўплашнинг энг самарали усули ҳужжат-

лаштирилган фактларни аниқлаш, яъни расмийлаштирилган бухгалтерлик (молия-хўжалик фаолиятига оид) ҳужжатларини ўзаро солиштириш орқали далилларни баҳолаш эканлиги аниқланди. Чунки аудиторлик текширувининг бош мақсади молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини баҳолашга қаратилганлигини инобатга олиш зарур. Биз шу мақсадда 4-жадвал шаклида Аудиторлик далилларини тўплашда бухгалтерлик (молия-хўжалик фаолиятига оид) ҳужжатларини ўзаро солиштириш кетма-кетлигини тавсия этамиз.

Бизнингча, юқорида келтирилган бухгалтерлик (молия-хўжалик фаолиятига оид) ҳужжатларини ўзаро солиштириш тартибига мувофиқ аудиторлик далилларининг тўпланиши текширилаётган субъект молиявий фаолиятига доир ҳужжатлардаги номувофиқликларни қисқа муддатда юқори аниқликда баҳолаш имконини беради.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Аудиторлик далилларининг моҳиятини очиб бериш ва тек-

ширувларда далилларни тўплаш самарадорлигини ошириш борасидаги тадқиқотлар асосида куйилдаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

**Биринчидан**, аудиторлик текширувининг асосий ва энг муҳим жараёни далиллар тўплаш ҳисобланса-да, бугунги кунга қадар далилларнинг иқтисодий мазмуни, уларни олиш манбалари ва усуллари илмий жиҳатдан яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган. Шу мақсадда тадқиқот жараёнида аудиторлик далилларининг иқтисодий мазмуни илмий жиҳатдан очиб берилди.

**Иккинчидан**, Аудиторлик далилларини тўплашга доир аудиторлик стандартларида белгиланган талаб ва тартиблар умумназарий жиҳатдан ёритилган бўлиб, бу тартиб-қоидаларни амалий жиҳатдан асослаш талаб этилади. Фикримизча, амалдаги аудиторлик стандартларига далилларни тўплаш усуллари ва унда бажариладиган таҳлилий амалларни амалий мазмунда ифодаловчи тартиб-қоидалар мажмуини киритиш лозим.

**Учинчидан**, амалдаги халқаро аудит стандартлари ва

3-жадвал

Ҳужжатлар сўрови					
Мижоз-корхона номи		«UZKABEL» акциядорлик жамияти			
Аудиторлик шартномаси тузилган санаси ва рақами	№15/10-03-2019 й. 11.03.2019 й.	Мижоз-корхона номидан топширди	Алиев М.С.	Мижоз-корхона номидан қабул қилди	Алиев М.С.
Аудиторлик ҳисоботи санаси	05.04.2019 й.	Аудиторлик ташкилоти номидан қабул қилди	Ғойипов С.М.	Аудиторлик ташкилоти номидан топширди	Ғойипов С.М.
№	Ҳужжат номи	Олинган сана	Масъул аудитор имзоси	Қайтарилган сана	Мижоз-корхона масъул шахси имзоси
1	AB1-AB9 шакллар				
2	Шартномалар				
3	Юк хатлари				
4	.....				

Аудиторлик ташкилоти номидан масъул аудитор Алиев М.С.  
 Хўжалик юритувчи субъект номидан масъул ходим Ғойипов С.М.  
 Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

**Аудиторлик далилларини тўплашда бухгалтерлик (молия-хўжалик фаолиятига оид) ҳужжатларини ўзаро солиштириш кетма-кетлиги**

№	Асословчи бирламчи ҳужжат номи	Ўрганилаётган бухгалтерлик ҳужжати номи	Аудиторлар томонидан тузиладиган ҳужжатлар номи
1	Олди-сотди шартномаси, ҳисоб сибёти тўғрисидаги буйруқ, қабул қилиш-топириш далолатномаси, лимит-забор карталари, юк хатлари (накладнойлар), ички юк хати, калькуляция ҳужжатлари, АВ1-АВ9 (НМА1-НМА9) шакллар, таъсис шартномалари, таъсисчилар йиғилиши баённомалари, акцияларни тарқатиш қайдномаси, меҳнат шартномаси, иш ҳақи тарқатиш (ҳисоблаш) қайдномалари, табель, нарядлар, ички инвентаризация далолатномалари, солиштириш-таққослаш қайдномалари, ички назорат ўтказиш режа-жадвали, касса кириш ордери, касса чиқим ордери, кассир ҳисоботи, касса дафтари, тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси, муомалалар бўйича мемориал ордерлар ва бошқалар	Омбор ҳисоботи, ишлаб чиқариш (цех) ҳисоботи, ҳисоб объектлари бўйича айланма қайдномалар, ички аудитнинг йиғма ҳисоботи ва бошқа бухгалтер ҳамда моддий жавобгар шахслар томонидан тузилган йиғма ҳужжатлар	Ички назорат саволномалари, анкета-сўровномалар, тестлар, солиштириш-таққослаш қайдномаси, аудиторлик инвентаризация далолатномаси, оралик аудиторлик маълумотномаси
2	Омбор ҳисоботи, ишлаб чиқариш (цех) ҳисоботи, ҳисоб объектлари бўйича айланма қайдномалар, ички аудитнинг йиғма ҳисоботи ва бошқа бухгалтер ҳамда моддий жавобгар шахслар томонидан тузилган йиғма ҳужжатлар	Ҳисоб объектлари бўйича журнал ордерлар, ички аудитнинг йиғма ҳисоботи ва бошқа бухгалтер ҳамда моддий жавобгар шахслар томонидан тузилган йиғма ҳужжатлар	Ички назорат саволномалари, анкета-сўровномалар, тестлар, оралик аудиторлик маълумотномаси
3	Ҳисоб объектлари бўйича журнал ордерлар, ички аудитнинг йиғма ҳисоботи ва бош бухгалтер ҳамда моддий жавобгар шахслар томонидан тузилган йиғма ҳужжатлар	Синтетик сўётлар бўйича бош дафтар маълумотлари	Ички назорат саволномалари, анкета-сўровномалар, тестлар, оралик ва умумий аудиторлик маълумотномалари
4	Синтетик сўётлар бўйича бош дафтар маълумотлари	Молиявий ва статистик ҳисобот шакллари маълумотлари	Ички назорат саволномалари, анкета-сўровномалар, тестлар, оралик ва умумий аудиторлик маълумотномалари
5	Молиявий ва статистик ҳисобот шакллари маълумотлари	-	Аудиторлик ҳисоботи, тақдимнома хат, текширув натижалари бўйича ёзма маълумотнома ва аудиторлик хулосаси

*Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.*

ўқув адабиётларида аудиторлик далилларини тўплаш тартиби (кетма-кетлиги) умумий ва мавҳум мазмунда баён этилганлиги боис, уларда келтирилган тартибларни амалиётда қўллаш етарлики самара бермапти. Тадқиқот жараёнида қўйилган мақсадга эришиш учун Аудиторлик далилларини тўплаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилди.

**Тўртинчидан**, тадқиқотлар натижасида ўтказилган аудиторлик текширувларида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан текшириладиган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмалиги, кўпгина ҳолларда аудиторлик ташкилотлари томонидан субъектнинг молиявий ҳужжатлари тўлиқ ўрганилмалиги ҳолатлари кузатилди. Тадқиқот ишида аудиторлик текшируви жараёнида текширилаёт-

ган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятидан текширув учун аҳамиятли бўлган далилларнинг тўлиқ ҳажмда олиншини таъминловчи «ҳужжатлар сўрови» ҳужжатининг шакл ва мазмуни амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилди.

**Бешинчидан**, Аудиторлик далилларини тўплашнинг энг самарали усули ҳужжатлаштирилган фактларни аниқлаш, яъни расмийлаштирилган бухгалтерлик (молия-хўжалик фаолиятига оид) ҳужжатларини ўзаро солиштириш орқали далилларни баҳолаш эканлиги тасдиқланди. Шу мақсадда тадқиқот ишида Аудиторлик далилларини тўплашда бухгалтерлик (молия-хўжалик фаолиятига оид) ҳужжатларни ўзаро солиштириш кетма-кетлиги тавсия этилди.

## ABSTRACTS

### ISSUES TO IMPROVE THE AUDIT EVIDENCE COLLECTION PROCESS

According to the author, the issues of improving the practical and methodological aspects of the audit, in particular the use of advanced foreign experience and software in the collection of audit evidence, the use of the most effective methods of collecting audit evidence based on international standards have not been studied in detail. Therefore, in-depth research should be conducted to improve the process of collecting audit evidence.

# ЎЗБЕКИСТОНГА ВЕКСЕЛЛАР КЕРАКМИ?

Коронавирус пандемияси бутун дунё халқлари учун оғир синов бўлди. Янги тарихда инсоният бу қадар инқирозли вазиятга дуч келган эмас. Яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини қандай муаммолар кутаётганини англашнинг ўзи камлик қилади, балки шу билан бирга режалар тузиб, йўқотишларни камайтириш ҳамда олдинда турган муқаррар қийинчиликларни енгиб ўтиш чораларини ишлаб чиқиш зарурдир. «S.VERENIN'S LEGAL GROUP» адвокатлик фирманинг бошқарувчи ҳамкори, адвокат Сергей Веренин ўз мақоласида шулар хусусида фикр юритади. Молиявий инқирозни пасайтириш бўйича дастаклардан бири сифатида у векселни жорий этишни таклиф қилади.



**Сергей Веренин,**  
адвокат, «S.VERENIN'S  
LEGAL GROUP»  
адвокатлик фирманинг  
бошқарувчи ҳамкори

Хозирча вирус устидан ғалаба қозонилмаган ва олдимизда ҳали катта вазифалар – соғлиқни сақлаш ва, қандай бўлмасин, барқарорликни қўллаб-

**«Кишининг қорнини бир кун тўйдирмоқчи бўлсанг – унга балиқ бер!  
Кишини узоқ вақт тўйдирмоқчи бўлсанг – унга қармоқ бер!»  
Хитой ҳикмати.**

қувватлаш кўндаланг турган бир паллада ҳозирданоқ келажакка назар ташлашимиз ҳам зарурдир. Бу ўринда корхоналар фаолиятини тўхтатган, иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари қисқарган ва ишбилармонлик фаоллигини пасайтирган, шунингдек карантиндан кейинги даврда мамлакат иқтисодиётида муқаррар тарзда юз беражак тўловларни кўчирмаслик инқирозидан мамлакатимизнинг молия ва банк тизими қандай муаммоларга

дуч келишини тушуниб етмомиз даркор.

Векселни жорий этиш:

- инқироздан кейинги тўловларни кўчирмаслик муаммосини енгиллаштиради;
- кредит юкласисиз товар ва хизматлар билан тезда ҳисоблашиш имконини беради;
- векселни ташкил этишнинг бирхиллаштирилган тартиб-таомили ҳисобига тўловдан ўтиш ва уни олиш учун кетадиган кўп вақт йўқотилиши олди олинади;



- тўловлар келиб тушини режалаштириш имконини беради;
- иштирокчида вексель нақд айланмаси кескин етишмаган пайтда муайян фоиз-дисконт эвазига векселни сотиш ёки олиб қўйиш имконини беради;
- вексель муомаласининг иштирокчиси сифатида кредиторнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда айланмада векселдан фойдаланиш соддалаштирилган суд тартиб-таомили доирасида бузилган ҳуқуқларни тез ва самарали ҳимоя қилиш ҳамда қарзни ундириш мумкин бўлади.

Вексель аслида энг қадимги молиявий инструментлардан бири ҳисобланади. Векселнинг прототиплари орасида «синг-

*Векселнинг бугунги кўринишдаги илк шакллари XIII-XIV асрларда Италияда пайдо бўлган. Кейинчалик векселлар билан боғлиқ кўпгина атамалар (индоссамент, аваль) италиян тилига бориб тақаладиган бўлди.*

рафлар» ва «хирографлар»ни келтириш мумкин, улар қадимги Юнонистонда вужудга келган бўлиб, Рим империяси томонидан амалда жорий этилган эди.

Векселнинг бугунги кўринишдаги илк шакллари XIII-XIV асрларда Италияда пайдо бўлган. Кейинчалик векселлар билан боғлиқ кўпгина атамалар (индоссамент, аваль) италиян тилига бориб тақаладиган бўлди.

Азбаройи ўзининг қайишқоқлиги ва қулайлиги туфайли вексель Европада тезда оммалашиб кетди. Векселли операциялар ҳажмининг кўпайиши ишбилармонлик муомаласининг расм-русумларини қонуний мустақамлаб қўйишни талаб қилгач, 1569 йили Болоньёда биринчи вексель устави қабул қилинди.

Мусулмон дунёси учун эса «сафтажа» ва «ҳавола» номидаги қарз-ҳавола инструментлари аллақачон таниш эди. Ислом фикҳининг бир қатор замонавий уламолари ҳатто вексель молиявий дастак сифатида Европада мусулмон савдогарлари томонидан қўлланилган «қарз тилхати» таъсири остида ва унинг андозаси сифатида юзага келган, деган фикрни ҳам илгари суришади.

Россияда вексель XVIII асрнинг бошида германия-

лик князликлар билан савдо муносабатлари ривожланиши оқибатида вужудга келган. Шунинг учун русча «вексель» сўзи немис тилидаги Wechsel – алмашув, ўтиш сўзидан олингандир. Россиянинг биринчи Вексель низоми 1729 йилда Германия вексель қонунчилиги асосида ёзилгани ҳам шундан. Лекин ўша даврда ўзигагина хос хусусиятларга эга бўлган хорижий меъёрларни тўғридан-тўғри Россия ҳаётига татбиқ этиб бўлмас эди.

Масалан, уставда пул маблағларини кўчириш (кўчириш шаклидаги вексель) билан боғлиқ бўлган вексель муносабатлари бирмунча батафсил тартибга солинган бўлса-да, бу вақтда Россияда қарзларни расмийлаштириш (оддий вексель шакли) учун векселлардан амалиётда кўпроқ фойдаланилар эди.

Россия империясида вексель муомаласи ўзининг алоҳида тараққиётини Россияда 1902 йил 27 майда тасдиқланган Вексель устави қабул қилингандан кейин бошлади. Уставда вексель «вексель берувчининг биринчи харидорга ёки охириги вексель сақловчисига муайян суммадаги пулларни муайян муддатда тақдим этиш тўғрисидаги олдинги битимлардан фарқланувчи бутунлай

мустақил мажбурияти» сифатида белгилайди.

Россия банклари Туркистонда векселлар билан боғлиқ операцияларни айнан 1902 йилдаги Вексель уставига биноан амалга оширганлар, бу ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисми дегани.

Санкт-Петербург Университетининг 2019 йилдаги хабарномасида (3-нашрнинг 11-томи, 267-268-бетлар) қайд этилишича, Россия-Осиё тижорат банки «бутун Марказий Осиё минтақасида кўплаб филиаллар тармоғига (13 та филиал) эга бўлган энг йирик банк ҳисобланган (1910 йилгача – Россия-Хитой банки)».

«Россия-Осиё банкининг Андижон филиалига 1909 йилда асос солинган. Бўлинма ака-ука Орифхўжаевларнинг хонадонидида жойлашган (1916 йилга қадар)... Бўлинма асосан маҳаллий фирмалар ва савдогар-экспортчиларни молиялаштирган, товар-воситачилик сотувларини ривожлантиришга ҳаракат қилган. 2–2,5 млн. рубллик бошланғич капитали билан банкининг ҳар йиллик айланмаси ошиб борган. Андижон филиалининг асосий операцияси векселлар ҳисобини юритиш ва векселлар остида ссудалар бериш бўлган. Андижон филиалининг асосий операцияларини кўриб чиқамиз (03.10.1915 йил ҳолатига): иккита имзога эга бўлган векселларнинг ҳисоби – 342 минг рубль, протест киритилган векселлар – 4 минг рубль, кафолатланган фоизли қоғозлар остидаги муддатли ссудалар – 19 минг рубль ва кафолатланмаган қоғозлар остидаги – 2 минг рубль, товарлар остидаги ссудалар

## *Россия банклари Туркистонда векселлар билан боғлиқ операцияларни айнан 1902 йилдаги Вексель уставига биноан амалга оширганлар, бу ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисми дегани.*

– 10 минг рубль, товар ҳужжатлари остидаги ссудалар – 20 минг рубль, онколли фоизли қоғозлар остидаги ссудалар – 2 минг рубль, иккита имзога эга бўлган векселлар остидаги ссудалар – 1 млн 300 минг рубль ва бошқалар. Жами 2 млн 146 минг рубль. ... Онколь бўйича ўртача ставка 8,65% плюс уч ойлик воситачилик ҳақини ташкил этади. Векселларнинг йиллик 4–5% ҳисобини юритиш Андижон бўлинмасининг асосий операциясини ташкил этган. Ҳақиқатда барча ҳисобга олинган векселлар пахта фирмалари ва маҳаллий пахта харидорларига тегишли бўлган. 1915 йил 03 октябрь ҳолатига векселли кредитлар 230 та бўлиб, уларнинг суммаси 2 205 500 рублни ташкил этган. ... банкда 5 минг рублгача суммадаги векселларнинг ҳисоби устуворлик қилган».

Россиянинг 1902 йилдаги вексель устави 1917 йилги Октябрь социалистик инқилобига қадар фаолият кўрсатди. Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1917 йил 11 ноябрдаги Декрети билан вексель тўловлари, шунингдек вексель протестларини амалга ошириш учун икки ойлик мораторий эълон қилинди. Кейинчалик РСФСР ҳудудида векселларнинг муомаласи кескин даражада қисқартирилди.

Фуқаролар урушининг оғир йилларидан сўнг очарчилик ва

вайронагарчиликни бошидан кечирар экан, мамлакатда Янги Иқтисодий Сиёсатга (НЭП) ўтилди. 1922 йилда Векселлар тўғрисидаги низом қабул қилинди, унга кўра ширкат ва банкларга векселларни бериш ва ҳисобга қабул қилишга (харид қилишга), шунингдек улардан кредит операцияларини расмийлаштириш учун фойдаланишга рухсат берилди.

Россиянинг векселга оид қонун ҳужжатлари ҳозирги вақтда 1997 йил 11 мартдаги 48-ФЗ-сонли «Кўчирилувчи ва оддий вексель тўғрисида»-ги Федерал қонун ҳамда СССР МИҚ ва ХККнинг 1937 йил 7 августдаги 104/1341-сонли қарори билан тасдиқланган «Кўчирилувчи ва оддий вексель тўғрисидаги низом»дан иборатдир. Мазкур Низом 1930 йилдаги Женева вексель конвенциялари томонидан тасдиқланган Кўчирилувчи ва оддий вексель тўғрисидаги бир хил кўринишдаги қонун (ЯВК) матнининг сўзма-сўз таржимаси ҳисобланади.

Муайян муддатли танаффусдан сўнг Россияда векселларнинг муомаласи РСФСР Олий Совети Президиумининг 1991 йил 24 июндаги 1451-1-сонли қарори билан тасдиқланган «РСФСР хўжалик муомаласида векселдан фойдаланиш тўғрисида»ги Низом амалга киритилиши билан қайта тикланди.

Иқтисодийetni бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими қулаган даврда, тўловларни амалга оширмаслик инкирози ҳам келтириб чиқарган 90-йиллардаги Россия иқтисодийетининг ҳақиқатдаги таназзули вақтида Россияда вексель энг оммавий қимматли қоғозлардан бирига айланди ва муносабатларнинг кенг жабҳалари – банк кредитларида, етказиб бериш, ҳисоб-китобларни расмийлаштиришда оммавий тарзда қўлланила бошлади.

Векселлар нафақат инкирозли вақтда, балки иқтисодий юксалиш йилларида ҳам муваффақиятли бозор иқтисодийетига эга мамлакатларнинг халқаро ҳисоб-китобларида бўлгани каби ички ҳисоб-китобларида кенг қўлланилади. Францияда мамлакат ичидаги кечиктириб тўланадиган битимларнинг учдан бир қисми векселлар билан расмийлаштирилади. ГФРда векселларнинг ҳисоби ва ломбард ссудалари Бундесбанкка муомаладаги пул массасини тартибга солишга имкон беради. Америка қитъасида векселдан ташқи иқтисодий битимларни расмийлаштиришда кенг фойдаланилади.

## ЎЗБЕКИСТОН: ВЕКСЕЛЬ МУОМАЛАСИНИНГ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлганидан кейин бу ерда ҳам вексель муомаласи ўз тарихига эга бўла бошлади.

Давлатимиз оёққа тураётган дастлабки даврларда – собиқ СССР республикалари ўртасидаги хўжалик алоқалари амалда узилиб қолган ҳамда ишлаб чиқариш кескин пасайган бир паллада озиқ-овқат маҳсулотлари кескин тарзда тақчил бўлиб қолди ҳамда энг зарур маҳсулотлар камомати юзага келди. Шунда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кенг миқёсли инкирозга, корхоналарнинг ишдан тўхташи ҳамда маҳсулотлар учун ҳисоб-китобларнинг амалда юз бермаслигига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Рубль худудидан чиқиш ва миллий валютани жорий этиш шароитида ўзимизнинг молия ва банк тизими учун устқурмани тайёрлашга доир сазъ-ҳаракатлар биринчи навбатда тўловсиз-

лик инкирозини енгиб ўтишга қаратилган эди.

Мураккаб иқтисодий вазият хукирон бўлиб турган 1995 йилда Ўзбекистонда векселлар муомалага киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 02 июндаги «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида»ги 204-сонли қарори билан «халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни жадаллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий жавобгарлигини ошириш мақсадида... тўлов муддати кечиктирилган қарз мажбурияти ва Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида етказиб берилган товарлар (бажарилган ишлар, хўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китоб воситаси сифатида хўжалик оборотида вексель» жорий этилди. Бунда банкларга векселларни чиқариш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган бўлди.

Лекин Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда векселлар муомалада бўлишини бошлаб



## *Вексель муомалага киритилган пайт – 1995 йилда воқеаларнинг келгусидаги ривожланиши шуни кўрсатдики, қимматли қоғоздан давлатнинг ўз қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар учун фойдаланиш вазифаси қўйилган эди.*

берган қарори қабул қилинишидан бир ҳафта олдин ЎЗР Адлия вазирлиги 1995 йил 31 майда 149-сонли «Корхона ва ташкилотлар векселларини чиқариш ва муомалада бўлишининг вақтинчалик тартиби»ни рўйхатдан ўтказди. Худди шу сана билан Адлия вазирлиги 147-сонли яна бир ҳужжатни рўйхатдан ўтказди, ҳужжат «Кўчирилувчи ва оддий вексель тўғрисида» деб номланиб, у 1930 йилдаги Женева вексель конвенциялари томонидан тасдиқланган Кўчирилувчи ва оддий вексель тўғрисидаги бир хил кўринишдаги қонун (ЯВҚ) матнининг айнан таржимаси ҳисобланади.

Мазкур норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистонда қабул қилиниши давлат томонидан молия ва банк тизимида яратилаётган вексель муомаласининг барча имкониятларидан фойдаланиш учун кенг йўл очар эди, бу жараёнларда халқаро ҳужжатларда қайд этилган кўп йиллик халқаро тажриба ва амалиётдан фойдаланилди.

Таассуфки, қимматли қоғоз сифатидаги векселлар ёрдамида тўловсизликни қисқартириш, корхоналарнинг ўзаро қарзларини «жиловлаб қўйиш», иқтисодиётда молиявий ҳисоб-китобларни жонлантиришдек оқилона ва эзгу мақсадга эга бўлган ҳолда ваколатли давлат органлари аввал бошданок бир қатор хатоликларга йўл қў-

йишиди, оқибатда бу 2 йил ўтибоқ векселлар чиқарилиши ва муомаласи қисқартирилишига, кейинчалик эса тамоман тўхта-тилишига олиб келди.

Тўловсизлик, кенг маънода олганда, иқтисодиётда қуйидаги ялли муддати ўтказиб юборилган қарздорликни ўз ичига олади:

1) корхоналарнинг бошқа корхоналар (етказиб берувчилар) олдидаги қарздорлиги – классик тўловсизлик;

2) давлат олдидаги қарздорлик – барча даражадаги бюджетларга тўловлар бўйича;

3) давлатнинг қарздорлиги – давлат буюртмаси ва давлат корхоналари ва муассасаларини молиялаштириш бўйича;

4) ходимлар олдидаги қарздорлик – истеъмолга маблағлар беришга доир – асосан иш ҳақи бўйича;

5) банк сектори олдидаги қарздорлик – банк кредитларини сўндириш бўйича;

6) нобанк институтлари олдидаги қарздорлик – бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарздорлик;

7) жисмоний шахсларнинг ўзлари ўртасидаги қарз ва қарз тилхатлари бўйича.

Лекин вексель муомалага киритилган пайт – 1995 йилда воқеаларнинг келгусидаги ривожланиши шуни кўрсатдики, қимматли қоғоздан давлатнинг ўз қарзлари бўйича ҳисоб-ки-

тоблар учун фойдаланиш вазифаси қўйилган эди. Бунда векселдан тўлов воситаси сифатида фойдаланишни кўзлаган давлат бошқа жиҳатни назардан қочирганиди, яъни вексель товарлар ва хизматлар етказиб берувчиси олдидаги қарзни ёпмайди, балки бор-йўғи пул маблағлари оқимларини режалаштириш ҳамда векселни ва у бўйича тўловни сўндириш муддати вужудга келгандан кейин қарз тўланиши пайтида маблағларни жамлаш мақсадида қарзни тўлаш вақтини маълум вақтга кейинга суради, холос.

Ҳукумат қарориди «ваколатли тижорат банклари қатори уларнинг ликвидлигини таъминлай оладиган корхоналар ҳам векселларнинг эмитентлари бўлиши мумкин»лиги белги-ланган, лекин векселлар пахта, буғдоғ, электр энергияси, қишлоқ хўжалиги кимёси ва давлат буюртмаси бўйича давлат томонидан олдин харид қилинган бошқа активлар учун кўп йиллик қарздорлиги бўлган давлат тузилмалари ва уюшмалари томонидан ҳам оммавий тарзда чиқарилган.

Энергетика вазирлиги ва «Ўзпахтасаноатсотиш» ДУ, «Ўздонмахсулот» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, шунингдек давлат банклари, шу жумладан давлат ўзаро ҳисоб-китобларига жалб этилган ҳамда муайян тармоқларга тегишли бўлган банклар – «Ғаллабанк», «Пахтабанк», «Туронбанк» ва бошқа бир қатор банкларнинг векселлари чиқарилди.

Нодавлат корхоналари ва хўжалик юритувчи субъектлари векселларни чиқариш имкониятига эга эмас эди. Векселлардан, худди бошқа давлатларнинг

тажрибасида назарда тутилгани каби, жисмоний шахслар ўрта-сидаги қарзларни расмийлаштириш учун чиқариш ва фойдаланиш хусусида гапириш эса ортунча эди.

Векселлар билан бюджетдаги бўшлиқлар тўлдирилди, бу қарздорлик муаммосини вақтинча ҳал этган бўлса-да, лекин муомалага чиқарилган векселларни сўндириш муддатлари келганда давлат амалда уларни сўндиришга қодир бўлмай қолди, чунки ушбу мақсадлар пул маблағлари билан захираланмаган эди.

Бунинг оқибати ўлароқ молиявий пирамида қурилиши бошланди, бунда олдин чиқарилган векселларни кейинги оммавий тарзда янги векселларнинг чиқарилиши сўндира бошлади, ваҳоланки, вексель ўз табиатиغا кўра эмиссион қимматли қоғоз ҳисобланмайди.

Давлат номидан иш кўрган Молия вазирлиги ва Марказий банк давлат тузилмаларининг векселларини ўз вақтида сўндиришдек кескинлашиб бораётган муаммодан амалда четлашиб, бундай векселларни сўндиришнинг барча юкини худди ўша тармоқ банклари зиммасига юклаб қўя қолди. Бу банклар эндиликда янги векселларни чиқариш ва уларни тўлов муддатлари келган давлат уюшмаларининг векселларини сўндириш учун уларни номинал қиймати бўйича катта дисконт билан сотиш иши билангина шуғулланишган.

Айни вақтда ўз қарзлари бўйича векселлар билан ҳисоблашар экан, давлатнинг ўзи давлат уюшмалари ва давлат банкларининг векселларини ҳўжалик юритувчи субъектлар-

нинг солиқлар ва мажбурий тўловларини тўлаш ҳисобига олишдан қатъий бош тортар, устига устак, солиқлар, боқиманда ва мажбурий тўловларни фақат пул маблағлари билан тўлашни талаб қилиб, маъмурий жазо билан дағдаға қилар эди. Бундай талаб Молия вазирлиги, ДСҚ ва Марказий банк томонидан 1996 йил 23 декабрда 12-46/642-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Вексель сақловчиларининг бюджетга тўловлар бўйича қарзларини сўндириш тўғрисида»ги Вақтинчалик низомда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳисоб-китобларда векселлардан фойдаланиш бўйича кўрсатилган бир қатор чекловларга қарамай, ўз векселларини чиқариш имкониятига эга бўлмаган нодавлат корхона ва ташкилотлари давлат уюшмалари (вазирликлар) ва банклар томонидан чиқарилган векселлардан фаол тарзда фойдалана бошладилар. Векселларнинг тез орада оммалашиб кетишига мазкур қимматли қоғозлар билан ҳисоб-китобларнинг тезлашуви; Ўзбекистоннинг исталган минтақасидаги харидорлар жойининг ўзида текширилган товарнинг мавжудлиги ва сифатига ишонч ҳосил қилиши ва

бевосита олиб чиқишдан олдин вексель билан тўлаш имкониятининг туғилиши; дисконт билан харид қилинган векселлар учун кенг истеъмол моллари, шунингдек мол-мулк, автомобиллар, кўчмас мулк харид қилиш имкониятининг пайдо бўлиши ва ҳатто хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини давлатдан олинган векселлар билан тўлаган ҳолда давлат мулкани хусусийлаштиришда иштирок эта олиш имкониятлари векселларнинг тезкор оммалашувига ёрдам берди. Қайсидир паллада давлат ҳатто хусусийлаштирилаётган мол-мулк ва корхоналар акцияларини номинал қиймати бўйича вексель билан тўлашга рухсат ҳам берди, бу эса олинган вексель етарлича юқори даражада дисконтланганда давлат мулки харидорига жиддий тарзда иқтисод қилишга имкон беради!

Ўша пайтдаги векселлар чиқарилиши, муомаласи ва сўндирилиши тартиби такомиллашмаган ва нуқсонли бўлган бир шароитда улардан фаол ва кенг фойдаланилишининг сабабларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 сентябрдаги ПФ-1270-сон «Қимматли қоғозлар бозорини

*Энергетика вазирлиги ва «Ўзпахтасаноатсотиш» ДУ, «Ўздонмаҳсулот» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, шунингдек давлат банклари, шу жумладан давлат ўзаро ҳисоб-китобларига жалб этилган ҳамда муайян тармоқларга тегишли бўлган банклар – «Фаллабанк», «Пахтабанк», «Туронбанк» ва бошқа бир қатор банкларнинг векселлари чиқарилди.*

ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси юридик ва jisмоний шахсларнинг дивидендлар ҳолида қимматли қоғозларнинг айланишидан, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги тафовутдан олинган даромадлари 1995 йил 1 июлдан бошлаб уч йил муддатгача солиққа тортилишдан озод қилинган бўлди.

Кўплаб корхона ва ташиқлотлар айланмада векселлардан фойдаланишдан бевосита ўз фойдасини ҳис этгач, давлат тузилмалари томонидан бюджет камомadini қоплаш учун векселларни оммавий тарзда эмиссия қилиш шароитларида, шунингдек нақд пул етишмаслиги ва банклардан нақд пул олишининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда векселларни нақд пул ўрнида қўллаш бошланди, бунда қимматли қоғозга доир барча ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини тасдиқловчи векселда кўчирилувчи ёзувларни (индоссамент) расмийлаштиришдан ҳам фойдаланилмади.

Векселнинг моҳиятан олганда сўндириш муддатига эга

бўлган қарз қимматли қоғози эканлигини тушунмаганлик оқибатида товар ва хизматлар учун тўловга муддати ўтган, лекин протест киритилмаган векселлар бериладиган ва қабул қилинадиган бўлди, бунда уларнинг аслиги ва кўчириш ёзувларининг тўғрилиги бирор йўл билан текширилмади, баъзида бундай ёзувлар йўқлигига эътибор берилмади ҳам.

Муомалада банклар ва давлат уюшмаларининг жуда кўплаб миқдордаги қалбаки векселлари пайдо бўлди, улар хорижий давлатларда юқори технологик даражада ҳамда энг сўнгги полиграфия ускуналаридан фойдаланган ҳолда чиқарилган бўлиб, босмасининг сифати ҳатто муомалада бўлган векселлар босмасининг сифатидан аёло эди.

Бюджетдан банклар ололмаган банкларда пул маблағлари етишмаслиги сабабли молиявий агентлар сифатида давлат томонидан ваколатли бўлган банкларга сўндириш учун тақдим этилган муддати етган векселларга ўз вақтида ҳақ тўланмай қўйди. Банклар давлат тузилмаларининг сўндириш учун тақ-

дим этилган векселлари ўрнига ўзларининг векселларини тақлиф қиладиган бўлишди, лекин бу қонунчиликда тақиқланган эди.

Муаммонинг миқёси борган сайин кенгайиб боргач, Молия вазирлиги ва Марказий банк векселлар чиқаришни қисқартириш бўйича чоралар кўра бошлади, сабаби ўзининг оммавийлиги туфайли векселларнинг чиқарилиши эмиссион қимматли қоғозлар аломатларига эга бўла бошлаганди. Векселлар, чиқарилиш умумий ҳажмини қатъий белгиланган номинал қийматга эга бўлган векселлар миқдорига бўлиш йўли билан чиқарила бошланди. Бундан ташқари, барча чиқарилишлар тасдиқланган эмиссия ҳажмига ва ҳуқуқларни амалга ошириш муддатлари ҳар бир алоҳида векселнинг ичиди эмас, балки қимматли қоғозни харид қилиш вақтидан қатъи назар, бутун чиқарилиш муддатларига эга бўлди.

Бу ноэмиссиявий қимматли қоғоз сифатида векселнинг ўз моҳиятига зид эди, чунки вексель тўловни кечиктириш ёки вексель олувчиси томонидан



*Кўплаб корхона ва ташкилотлар айланмада векселлардан фойдаланишдан бевосита ўз фойдасини ҳис этгач, давлат тузилмалари томонидан бюджет камомадини қоплаш учун векселларни оммавий тарзда эмиссия қилиш шароитларида, шунингдек нақд пул этишмаслиги ва банклардан нақд пул олишнинг мураккаб-лигини ҳисобга олган ҳолда векселларни нақд пул ўрнида қўллай бошлашди, бунда қимматли қоғозга доир барча ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини тасдиқловчи векселда кўчирилувчи ёзувларни (индоссамент) расмийлаштиришдан ҳам фойдаланилмади.*

олдидан келишилган муддатда муайян шахсга товарлар, ишлар ва хизматларни олганлик учун сўзсиз тўловни назарда тутати, чунки унинг реквизитларида мажбурий тартибда тўлов амалга оширилиши лозим бўлган шахс ёки буйруқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Молия вазирлигининг 1996 йил 25 мартдаги 25-06-161-сонли «Вексель муомаласи ва векселларни сўндиришни тартибга солиш тўғрисида»ги хабарномаси чоп этилиб, у орқали ваколатли давлат органи векселнинг қимматли қоғоз сифатидаги хусусиятларини, уни чиқариш, муомалага киритиш ва сўндириш шартларини кўрсатган ҳолда векселларни чиқариш ва муомалага киритишда тартиб ўрнатмоқчи бўлди.

Аммо векселлар ёрдамида ўзининг бир муддатлик муамолари билан бирга, йиллар давомида тўпланиб қолган молиявий масалаларини ҳал этиш ва айни дамда ҳеч қандай масъулият ва жавобгарликни зиммага олмасдан, векселларни сўндиришни тармоқ банклари гарданига юклаган давлат тармоқ уюшмалари, бир сўз билан айтганда, вазирликлар, векселларни чиқариш, тўғри-

роғи, «эмиссия қилиш»да даво муолажасини амалга ошириш.

Марказий банк 1997 йил 12 майда 12-54Б/212-сон билан «Вексель билан операцияларни кенгайтириш бўйича қўшимча кўрсатмалар»ни чиқара туриб, ҳужжат номининг ўзига хилоф қилган ҳолда векселлар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини чеклашга ҳаракат қилди: «вексель муомаласини ривожлантиришда бирор-бир қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг векселлари муомалага фақат Ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ ҳамда эмитентга қайси бўлим ёки филиалда хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, республика Пахта банкнинг тегишли рухсатномасидан кейин чиқарилишига риоя этиш талаб қилинади. Бу ўринда эмитентнинг (корхонанинг) молиявий ҳолатини пухта таҳлил қилиш, чиқарилган векселларни сўндиришга йўналтириладиган маблағлар олинишининг ҳақиқатдаги манбаларини аниқлаш зарур. Мазкур вазифани бажариш республика Пахта банкида тузилиши лозим бўлган вексель кўмитасининг зиммасига юклатилади. Раис ёки унинг ўринбо-

сарларидан бири ушбу кўмитанинг раиси бўлиб ҳисобланади, бунда векселларни чиқаришга рухсатномани бериш учун шахсий жавобгарлик унинг зиммасига юклатилади».

Ҳужжатнинг ўзида «хўжалик юритувчи субъектларнинг векселлари» ҳақида сўз борса-да, лекин ҳужжат мазмунидан давлат пахта саноати тузилмасига кирувчи давлат ташкилотлари ва корхоналарига нисбатан чеклов жорий этаётгани билиниб турар, сабаби нодавлат тузилмалар норматив ҳужжат чиққунига қадар ҳам, ундан кейин ҳам векселларни чиқаришга рухсатнома ола олмаганлар.

Муомалага ўз векселларини чиқара олган нодавлат тузилмалар қаторида мен фақатгина кейинчалик «Ҳамкорбанк»га айланиб кетган «Андижонбанк»ни эслай оламан. Лекин ушбу банкнинг векселлар эмиссияси унчалик юқори бўлмаган ҳамда банк мутахассисларининг етарлича малакага эга бўлгани, шунингдек, Марказий банкнинг алоҳида назоратида турган нодавлат банклардан бири сифатида молиявий интизомли бўлганлиги вазидан «Андижонбанк» барча талабларга риоя этган ҳолда ўз векселларини чиқариш, ҳисоби-

ни юритиш ва сўндириш бўйича ишларни амалга оширар ва шу билан биргаликда бошқа ташкилотларнинг векселлари билан операцияларни олиб борарди.

Марказий банкнинг «Вексель билан операцияларни кенгайтириш бўйича қўшимча кўрсатмалар» деб номланувчи 1997 йил 12 майдаги 12-54Б/212-сонли ҳужжатга қайта мурожаат қилиб шуни эслатмоқ керакки, ушбу ҳужжат чиққан пайтга келиб, корхоналар ўртасидаги ҳисобкитобларда векселлардан фойдаланиш амалда тўхтаб қолган бўлиб, ҳужжат номида келтирилган «операцияларни кенгайтириш»дан асар ҳам қолмаган эди.

Ўзбекистон Республикасида вексель муомаласи тарихи ўз якунига етаётгани шундоқ равшан кўриниб турар эди – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1996 йил 27 декабрдаги 296-сонли фармойишига биноан тижорат банкларига «хўжалик юритувчи субъектлар – банк мижозлари томонидан векселлар билан операциялар амалга оширилганда ҳар бир вексель айланмасини мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш»

мажбурияти юкланди. Бу векселдан тўлов воситаси сифатида фойдаланишни ноқулай ва сермашаққат иш қилиб қўйди.

Векселларнинг янги чиқарилишига келсак, Президентнинг 1997 йил 19 мартдаги ПФ-1738-сонли «Республикада вексель муомаласини тартибга солиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «корхоналар ва ташкилотларга аниқ етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисобкитоб қилишга уларда вақтинча етишмаётган пул маблағларини қоплаш учунгина векселлар чиқаришга йўл қўйилади, бунда хизмат кўрсатувчи банк томонидан вексель кафолати (аваль) расмийлаштирилиши шарт» деб белгиланган бўлиб, давлат ташкилотлари ва корхоналари томонидан векселларнинг янги эмиссияси мумкин бўлмай қолди, сабаби биронта банк ихтиёрий равишда бундай корхоналарнинг молиявий барқарорлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаган ва уларнинг йирик миқдорда қарзлари мавжудлиги туфайли кафолатни (авални) расмийлаштирмаган

бўларди. Тўловга қобилиятли ва анчайин молиявий барқарор нодавлат корхоналари эса ҳали-ҳануз ўз векселларини чиқариш имкониятига эга эмас эдилар.

Банклар ҳам векселлар чиқариш имкониятини қўлдан бой берди, сабаби худди шу Фармон билан «тижорат банклари томонидан вексель чиқариш фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда амалга оширилади» деб белгилаб қўйилди, Марказий банк эса векселларнинг янги чиқарилишини келишишдан воз кечган эди.

Натижа шу бўлдики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 1997 йил 22 майдаги 11-1-99-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг 12-54Б/354-сонли фармойиши билан «юқорида кўрсатилган эмитентларнинг махсус ҳисобварақларидаги зарур маблағлар захирага олиниши муносабати билан муомалада бўлган барча векселлар жорий йилнинг 1 июлига қадар муддатидан олдин сўндирилиши

*Муомалага ўз векселларини чиқара олган нодавлат тузилмалар қаторида мен фақатгина кейинчалик «Ҳамкорбанк»ка айланиб кетган «Андижонбанк»ни эслай оламан. Лекин ушбу банкнинг векселлар эмиссияси унчалик юқори бўлмаган ҳамда банк мутахассисларининг етарлича малакага эга бўлгани, шунингдек, Марказий банкнинг алоҳида назоратида турган нодавлат банклардан бири сифатида молиявий интизомли бўлганлиги важдан «Андижонбанк» барча талабларга риоя этган ҳолда ўз векселларини чиқариш, ҳисобини юритиш ва сўндириш бўйича ишларни амалга оширар ва шу билан биргаликда бошқа ташкилотларнинг векселлари билан операцияларни олиб борарди.*

лозим. Векселларни сўндириш векселни сўндириш санасидан қатъи назар, номинал қиймати бўйича амалга оширилади. Векселлар жорий йилнинг 1 июлига қадар тақдим этилмаган тақдирда векселларни сўндириш муддати кечиктирилади ва векселлар эмитентларнинг ҳисобварақларига пул маблағлари келиб тушишига қараб сўндирилади» деб белгиланди.

Шу тариқа, хўжалик айланмасида векселни жорий этиш ва қўллашни илгари сурган давлат бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйиб, чалакам-чатти ёки юқорида кўрсатилганидек таъмоман тесқари қарорлар қабул қилиб, пировардида вексель қимматли қоғоз ва тўлов инструменти сифатида умуман йўқ бўлиб кетишига олиб келувчи барча чораларни кўрди.

Лекин векселнинг қимматли қоғоз сифатидаги тарихи шу билан якунига етгани йўқ, балки мамлакат иқтисодиётида векселларни чиқариш ва қўллаш тўхтатилганидан кейин ўзининг фожиали хотимасини топди.

Ўз хато ва камчиликлари, шу жумладан 90-йилларнинг боши ва охиридаги иқтисодий инқироз, янги мамлакатнинг мустақил молиявий ва пул тизими оёққа туриши, миллий валютани амалда жорий этиш чиқимлари ва кейин унинг девальвацияси, корхоналарнинг нархлар инфляцияцион ошиши ва айланма маблағларнинг қадрсизланиши, айланма капиталнинг дефицитига кўникиш машаққатлари ҳамда ишлаб чиқаришнинг давомли пасайиб бориши билан боғлиқ бўлган объектив муаммоларни молия бозорининг регуляторлари ва соҳа учун жавобгар шахслар хўжалик юритувчи субъ-

*Банклар векселлар чиқариш имкониятини қўлдан бой берди, сабаби Фармон билан «тижорат банклари томонидан вексель чиқариш фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда амалга оширилади» деб белгилаб қўйилди, Марказий банк эса векселларнинг янги чиқарилишини келишишдан воз кечган эди.*

ектларнинг векселлар билан муомалада йўл қўйилган суистеъмолчилик ва қоидабузарликларига йўйишиди.

Ўша давр молия бозорининг давлат корчалонлари мамлакат раҳбариятига етказганларидек, векселларни чиқариш, ҳисобини юритиш, сўндириш улардан товар-пул айланмасида фойдаланиш билан бўлгани каби мамлакат иқтисодиёти учун талафотли оқибатларни келтириб чиқарган.

Хуқуқ-тартибот органларига кўрсатмалар берилгач, Ўзбекистоннинг барча вилоят ва минтақалари бўйлаб ИИБ Марказий аппарати ходимларининг раҳбарлиги остида тезкор-қидирув гуруҳлари «қиличини яланғочлади». Бундай сафарбарликда асосийси – ўз ҳисобкитоблари ва тўловларида векселларни фаол қўллаган барча тадбиркорлар ва корхоналар раҳбарлари бюджетга солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашда виждонсизлик қилишган; векселни унда кўрсатилган қиймати бўйича реализация қилмаган («дисконт») сўзи умуман тушунарсиз бўлган) хўжалик юритувчи субъектлар – нархдаги тафовутни ҳисобга киритилмаган нақд пулда олишган; ва, умуман, ана шундай номаъқул одамларни деб бозорда нарх-наволар

ошгани, шунингдек, мамлакатда доллар курси кўтарилаётгани ҳамда миллий валютамиз қадрсизланаётгани ҳақида бонг урилди!

ИИБ ходимлари ва шундай тезкор-қидирув гуруҳлари иштирокчилари, худди жойларда текширувларга жалб этилган аудитор ва тафтишчилар сингари ўша вақтда векселнинг қимматли қоғоз сифатидаги хусусияти, шунингдек уни чиқариш, муомалага киритиш ва у билан операцияларни олиб бориш борасида анчайин юзаки тушунчага эга бўлганлар. Лекин юқоридаги кўрсатма берилганлиги туфайли терговчилар ўнгу сўлига қарамай жиноий ишларни кўзгата бошлади, ишлар бир зумга кечиктирилмасдан судларга оширилди, судлар ҳам, ўз навбатида, зудлик билан айблов ҳукмларини чиқариб, кишиларни реал ва узоқ муддатларга ҳукм қилди. Бутун республика бўйлаб юзлаб тадбиркорлар, корхоналарнинг раҳбар ва бухгалтерлари суд томонидан жазоларни ўташга жўнатилди.

Бинобарин, ўша даврда векселлар билан операциялар ўтказиб судланганларнинг ҳаммаси аксилвексель кампанияси ҳамда вексель муомаласи иштирокчиларини таъқиб қилишга қиличини яланғочлаган ҳуқуқ-

тартибот органлари бошбош-доқлигининг қурбони бўлган, дея олмаймиз. Лекин вексель муомаласи ва ундан фойдаланишни тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг аксарият бузилиш ҳолатлари, тадбиркорлар томонидан жинойт қасддан эмас, балки векселлар билан ишлашни билмаслик ва тажрибасизлик оқибатида содир бўлган, ваҳоланки, мамлакатимизда векселлар муомаласи 2 йилдан кўпга чўзилган эмас. Қоидабузарликларга сабаблардан яна бирини вексель муомаласини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги тушунмовчиликлардан ҳам қидирса бўлар эди, чунки ҳужжатларнинг ўзи бир-бирига зид келган ҳоллар ҳам учраган. Аммо буни терговда исботлашнинг иложи бўлмаган.

Бу воқеликларнинг содир бўлганига ҳам 22 йилдан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 01 ноябрдаги 313-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 02 июндаги 204-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотди.

Марказий банк Бошқарувининг 2013 йил 24 январдаги 2/5-сонли қарори асосида Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 05 февралда 147-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва 1930 йилдаги Женева вексель конвенциялари томонидан тасдиқланган Кўчирилувчи ва оддий вексель тўғрисидаги бир хил кўринишдаги халқаро қонунни (ЯВК) тўлиқ такрорловчи «Оддий ва кўчирилувчи вексель тўғрисида низом» ўз кучини йўқотди.

*Банклар векселлар чиқариш имкониятини қўлдан бой берди, сабаби худди шу Фармон билан «тижорат банклари томонидан вексель чиқариш фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда амалга оширилади» деб белгилаб қўйилди, Марказий банк эса векселларнинг янги чиқарилишини келишишдан воз кечган эди.*

Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 08 июнда 148-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/16-сонли «Банклар томонидан векселлар билан операцияларни амалга ошириш қоидалари, шунингдек унга ўзгартишларни ўз кучини йўқотган деб топил тўғрисида»ги қарори асосида банк қоидалари амал қилишдан тўхтади.

Хўп, шундай экан, ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётига векселни қайтариш зарурати борми?

Менимча, жавоб тайин.

Мамлакат иқтисодиётининг устқурмаси қишлоқ хўжалиги ҳисобланган, унинг иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи асосий соҳа туризм тармоғи бўлиб, у пандемия тарқалиши олдини олиш бўйича чоралардан энг кўп зарар кўриб турган бир вақтда инқироздан кейинги тўловсизлик муаммосини ҳал этиш, кредит юкламасисиз товар ва хизматлар учун тезкор ҳисоб-китоб қилиш имкониятини таъминлаш, ҳисоб-китобларни режалаштириш ва айланма маблағлар етишмовчилигида товарлар келиб тушишини таъминлаш, мева-сабзавот маҳсулотларининг ликвидлигига эришиш, шунингдек кичик ва

ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Корхоналар фаолияти тўхта-тилган, иқтисодиёт аксарият тармоқларининг ишбилармонлик фаоллиги қисқарган ва тўхтаган, шунингдек карантин давридан кейинги мамлакат иқтисодиётида муқаррар тўловсизлик инқирози кутилаётган бир паллада қарз ва ҳисоб-китоб қоғози сифатида векселнинг муомалага киритилиши юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этишга самарали ёрдам берган бўлур эди.

90-йиллар охиридаги аксил-вексель кампаниясидан вексель муомаласини унинг иштирокчилари ва умуман иқтисодиёт учун аллақандай ҳалокатли ва хавфли ҳолат сифатида қабул қилиш ҳиссиёти мерос бўлиб қолганига қарамай, Фуқаролик кодекси ва қимматли қоғозларга оид қонун ҳужжатларида ҳалигача вексель «вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган мuddат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир қатъий мажбуриятини тасдиқловчи нозмиссиявий қимматли қоғоз» сифатида тушунилади.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонун ва «Нотариуслар томонидан

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»да ҳалигача векселларнинг протестлари нотариуслар томонидан амалга оширилиши тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида суд буйруғини бериш бўйича талаблар орасида шундай меъёр белгиланганки, унга кўра суд буйруғи судья томонидан ... агар... талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана кўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланган бўлса, берилади, дейилган.

Лекин векселларни янгидан муомалага киритиш ва бу орқали корхоналарнинг кредитлар бўйича фоиз юкласини пайсайтириш, корхоналарнинг ўз маблағларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, пул талаблари ликвидлигини кўтариш орқали банк тизими таваккалчиликларини минималлаштиришдан бошлаб, турли даражадаги бюджетларга солиқ тушумларини оширишга ча бўлган иқтисодиёт учун кенг имкониятларни очиш мақса-

дида эски хатоларни ҳисобга олмоқ ҳамда келгусида уларни бартараф этиш учун барча чораларни кўрмоқлик зарурдир.

#### **Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги қадамларни кўйиш керак:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кўчирилувчи ва оддий вексель тўғрисида»ги Қонуни даражасида 1930 йилдаги Женева конвенцияларига мувофиқ барча мамлакатлар томонидан қўлланиладиган Кўчирилувчи ва оддий вексель тўғрисидаги бир хил кўринишдаги қонун матнини тасдиқлаш;

2. Ваколатли банклардан турли номинал қийматдаги векселларни чиқариш учун махсус гербли бланкларни харид қилиш йўли билан герб йиғимини тўлаган ҳолда векселда кўрсатилган сумманинг 0,1%дан кўп бўлмаган герб йиғимини жорий этиш, бунда кейинчалик герб йиғими Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағига ўтказиб берилади;

3. Барча хўжалик юритувчи субъектларга векселлар чиқариш ҳуқуқини бериш, бунда давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан векселлар-

ни чиқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг розилиги билан амалга оширилишини белгилаш, капиталида давлат улуши бўлмаган корхона ва ташкилотлар эса векселларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз ваколатли бошқарув органи қабул қилган қарори асосида чиқаради;

4. Жисмоний шахслар ўртасида қарзларни расмийлаштиришни бирхиллаштириш, қарз берувчининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва қарздор томонидан қарз маблағлари қайтарилишининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш мақсадида жисмоний шахсларга векселни тузиш ва ушбу қарз қоғозидан жисмоний шахслар ўртасида ҳисоб-китобларда фойдаланишга рухсат бериш, бунда ваколатли банклардан турли номинал қийматдаги векселларни чиқариш учун махсус гербли бланкларни харид қилиш йўли билан герб йиғимини тўлашни назарда тутиш, бунда кейинчалик герб йиғими Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағига ўтказиб берилади;

5. Қарз берувчининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш



ва қарздор томонидан қарз маблағлари қайтарилишининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси суд буйруғини бериш бўйича талабларни белгиловчи 171-моддасини янги меъёр билан тўлдириш, унга кўра талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланган бўлса, суд буйруғи берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 мартдаги 74-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси»га протестга киритилган, шунингдек муомала жараёнида йўқолган Хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар векселларининг ягона базасини ташкил этиш ва эркин фойдаланиш учун чиқариш топширилсин;

7. «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»нинг «Векселни протест қилиш» 34-хат-бошисига ўзгартириш киритиш, унга кўра нотариуслар барча протест қилинган векселларни Ягона базага киритиш учун улар ҳақида қисқа муддатларда «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси»ни хабардор қилиши шарт;

8. Барча вексель муомаласи иштирокчиларини шахсий жавобгарлиги таҳдиди остида барча йўқолган ёки йўқотилган векселлар ёхуд улар номинали, серияси ва рақамини кўрсатган ҳолда махсус векселлар тўғрисида «Кредит-ахборот таҳлилий

маркази» кредит бюроси»ни хабардор қилишга мажбур этиш;

9. Векселни реабилитация қилиш ҳамда қарз қимматли қоғози ва тўлов воситаси сифатида унга бўлган ишончни тиклаш учун, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар ўртасидаги ҳисоб-китобларни соддалаштириш мақсадида, векселнинг векселни беришга асос ва шартларга ҳаволаларни истисно этувчи абстракт қарз мажбурияти сифатидаги табиатини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг сотиб олиш ва сотиш баҳоси ёки дисконт ўртасидаги фарқ сифатида вексель муомаласидан олган даромадларини ҚҚС ва фойда солиғидан озод этиш.

Яқинда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг 2020 йилдаги ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги маърузани эълон қилди. Маърузада коронавирус эпидемиясининг Марказий Осиё мамлакатларига қандай таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, янги касалликнинг авж олиши минтақа иқтисодиётига ҳам, умуман глобал иқтисодиётга ҳам ўзининг салбий қўланкасини солиб

бўлгани айтилади. Маърузанинг алоҳида қисми эса Марказий Осиё мамлакатларида вазиятнинг ривожланиши прогнозларига бағишланган, зеро ОТБ бу ерда кўплаб лойиҳаларда иштирок этади.

Осиё иқтисодиёти ривожланиши кескин пасайиши кутилаётир. Минтақада аллақачон инфляция тезлашган, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошган. ОТБда инфляция буюғига ҳам ўсишига ишонишади. Хомашё ва товарлар нархининг кескин ва узок муддатли пасайиши, шунингдек туристик бизнес соҳасидаги кўрсаткичларнинг ёмонлашуви мамлакатлардаги иқтисодиёт тармоқларидан келиб чиққан ҳолда муайян муаммоларни юзага келтиради. ОТБда қайд этишларича, ўсиш учун кўплаб муаммолар қалашиб кетган бир вақтда янги ечимлар барқарор ички тараққиёт учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Аммо «янги» дегани доим ҳам илк бор яратилган, деган маънони англатмайди, баъзида «янги» – бу олдин мавжуд бўлган, бинобарин, янги шароитлар ва ўзгача вазиятларда ўзининг янги қиёфаси билан майдонга тушиши мумкин бўлган воқелик бўлиши ҳам мумкин.


## ABSTRACTS

### DOES UZBEKISTAN NEED BILLS OF EXCHANGE?

In this article, the author comments on the inevitability of the crisis of the coronavirus pandemic, the fact that this in turn can have a negative impact on the discipline of payment, so it is time to seriously think about the circulation of bills of exchange, which is one of the means of payment. In Uzbekistan, although bills were withdrawn from circulation in the 90-ies, the norms for their regulation were preserved in the current legislation. The author believes that the introduction of bills into circulation would have contributed to maintaining the discipline of payment in economy.

# ЙИЛЛИК **23%**

**«Имконият»  
омонати билан  
режалар тузинг**





Тўй, таълим олиш ёки  
бошқа муҳим тадбирни  
бошлаш учун маблағ  
йиғишисизми?

«Имконият» омонатини  
ечиш фурсати етди!



/AgrobankChannel

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг



[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

Тел.: 71 203 88 88

Хизматлар лицензияланган



Таш 42686



#uydaqoling

**Milliy ilova – bankning barcha  
xizmatlarini masofadan boshqarish  
Tez, Ishonchli, Oddiy!**

**Sizning qulayligingiz  
Sizning xavfsizligingiz**



Xizmatlar litsenziyalangan